Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 41 (1001) • 2014-yil, 10-oktabr, juma

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНСК ШАҲРИГА КЕЛДИ

*МИНСК, 9 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Минск шаҳрига келди.

МДҲ саммитининг асосий воқеалари 10 октябрь куни бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов анъанага мувофиқ давлат раҳбарларининг тор доирада ва кенгайтирилган таркибда ўтказиладиган учрашувларида иштирок этади. Саммит кун тартибидан Ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокамаси ўрин олган.

Мажлис якунида МДҲ доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

**ЎзА**




➢ Ишчи гуруҳи йиғилиши

## Ёшларни салбий ахборот таъсиридан ҳимоялаш — устувор вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш учун хулоса бериш масаласи муҳокама қилинди.

2 ➢

➢ Муносабат

## Яратувчан андижонликлар

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида Андижонда барпо этилган истиқлол иншоотлари қаторида Олтинкўл туманидаги Далварзин маҳалласида фойдаланишга топширилган қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва ишлаб чиқариш объектлари билан бир қаторда гузар ҳам барпо этилганлиги айни муддао бўлди. Чунки гузар, чин маънода, маҳалладошлар, қўни-қўшнилар бафуржа гаплашадиган, узаро маслаҳатлашадиган қулай маскандир.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча Андижонга ташрифи чоғида айнан ана шу маҳаллада бўлиши, амалга оширилган бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари билан танишуви ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб қолди.




2 ➢

## Барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига рухсат берилди

➢ Сайлов — 2014

2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак парламент сайловларида иштирок этишига рухсат бериш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

Тадбирда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун бир юз ўттиз беш сайлов округи ташкил этилгани, уларнинг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилингани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси жорий йил 9 октябрь куни ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси, унинг ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда тузилиши таъкидланди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда уларнинг таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратилди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида маҳаллий ва хорижий журналистларга сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширган ишчи гуруҳи сиёсий партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилгани ҳақида хулосага келгани маълум қилинди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

**ЎзА**

## Сиёсий кураш майдони унда қолиш ўзимизга боғлиқ

Бугун сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг халқчиллиги ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади. Шундай экан, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

2 ➢

## Конституция — фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — сиёсий ислоҳотларнинг, шу жумладан, сайлов қонунчилиги тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.



Маълумки, демократиянинг универсал талаблари ҳамма жойда бир хил бўлиб, унинг умумий тамойиллари демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлар ҳисобланади. Бу — пировард натижада ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.

4 ➢

## Осойишта юртга меҳмоннавозлик ярашади

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг Самарқандда ўтказилган сессияси мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг янги имкониятларини намоён этा олди ва дунё халқлари эътиборини обод юртимиздаги улкан ўзгаришларга яна бир карра қаратди. Айниқса, Юртбошимизнинг ушбу сессияда сўзлаган нутқи Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Зеро, нутқда тилга олинган фикрлар партиямиз дастурида ҳам ўрин олган. Хусусан, сайёҳликнинг ривожи аҳолининг турли ижтимоий қатламлари турмуш сифати ва даражасини оширишга, янги иш ўринлари яратишга, аҳоли даромадларини изчиллик билан оширишга, алал оқибат иқтисодиётимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Президентимиз нутқида билдирилган фикрлар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари томонидан чуқур ўрганилаётгани бежиз эмас.

2 ➢

## Сайловчи амалий ишларимизга қараб баҳо беради

➢ БПТ — партия таянчи

Кейинги бир йил мобайнида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган шаҳар кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотлар сони икки баробарга кўпайиб, 75 тага етди. 2013 йилда партия аъзолари сони атиги 300 нафарни ташкил этган бўлса, партиянинг шаҳар кенгашига Рустамжон Икромов раҳбар этиб тайинланганидан кейин аъзолар сони 1500 нафардан ошиб кетди.



Янги БПТлар орасида «Мингбулоқсувтаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамиятидаги партиядошларимиз фаолияти бугунги кунда бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилаётгани бежиз эмас. Бу ерда қисқа муддат ичида бошланғич ташкилот оёққа туриб, самарали фаолият кўрсатишга киришди. Бугунги суҳбатдошимиз мазкур МЧЖ кузатув кенгаши раиси Усмонжон Шарипов.

3 ➢

## Кураш давом этади

Reuters ахборот агентлигининг Бразилия Олий сайлов трибунали маълумотига асосланиб хабар беришича, сайловларнинг биринчи туридан сўнг, овозларнинг 98 фоизи ҳисоб-китоб қилинганида, мамлакатнинг амалдаги президенти Дилма Русеф 41,4 фоиз овоз тўплаган. Унинг асосий рақиби — социал-демократлар вакили Аэсиу Нэвисни эса сайловчиларнинг 34,20 фоизи қўллаб-кувватлаган.

7 ➢

ADOLAT
№ 41 (1001)
2014-yil 10-oktabr, juma

# Осойишта юртга меҳмоннавозлик ярашади

Давоми. Боши 1-бетда

Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳримиз — Самарқандда бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгаши 99-сессияси Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Шу билан бирга мазкур халқаро форум хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлаш, жаҳоннинг етакчи экспертларига халқаро туризм бозорининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги янги тенденциялар ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини яратиб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, туризм — иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият борасидаги амалий мулоқотида ўзига хос робита вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қилаётир. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоизга кўпаймоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Мамлакатимизга келувчи сайёҳлар оқими мунтазам ошиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз олий даражадаги учрашувлар, халқаро конференциялар, нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётир.

Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва




дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, Ватанимиз тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Биргина "Ер юзининг сайқали" ва "Шарқ гавҳари" деб аталадиган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд азалдан ўз кўрку салобати билан барчани мафтун этиб келади. Шаҳарнинг қадимий ва замонавий иншоотлари, гўзал ва сўлим табиати сайёҳликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратмоқда. Шу маънода Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг навбатдаги сессиясини ўтказиш учун айнан Самарқанд шаҳрининг танлангани ҳам бежиз эмас.

Сессияда сўзга чиққан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби Талеб Рифаининг "Ушбу афсонавий шаҳарга мафтун бўлган шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таърифлаган", деган сўзлари барчамизнинг қалбимизга чексиз ғурур бағишлади.

Мазкур анжуманда иштирок этган Юртбошимизнинг маърузаси иштирокчиларнинг қизиқишига сазовор бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда халқаро туризм ривожига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳақидаги фикрлари, туризмни ривожлантириш қаратилган таклифлари экспертларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Президентимиз яна бир бор дунёда халқлар ва миллатлараро тинчлик, барқарорликни таъминлашнинг долзарблигига эътибор қаратар экан, айнан ушбу омил, яъни, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳеч шубҳасиз, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади. Сурия ёки Ироқдаги фожеали воқеалар мисолида хавфсизликни таъминлаш ва туризм ўртасидаги аниқ ўзаро боғлиқликни, тинчлик ва халқлар ўртасидаги бағрикенглик бугунги кунда қанчалик ҳал қилувчи омил эканини қайд этди.

Юртбошимиз юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи ҳам туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили экани ҳақида фикр билдирар экан, анжуман иштирокчилари эътиборини бугунги кунда мамлакатимизда муайян ютуқларга эришилаётганлиги, жумладан, замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатаётганига қаратди.

Шу ўринда анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида сиёсий партиялар фаолиятига ҳам дахлдордир.

Хусусан, ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида виза масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмиятчиликларни соддалаштириш, бу борада сайёҳларга қулайлик ва енгиллик яратиш каби масалалар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий ғоя ва мақсадларига мос экани билан аҳамиятлидир. Бу албатта, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутати сифатида бизни келгусидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида ушбу масалаларга янада чуқурроқ эътибор қаратишга, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга, айни пайтда ишлаб чиқилаётган партиямизнинг янги таҳрирдаги сайловолди дастурида устувор вазифаларни белгилашга ундайди.

Шунингдек, анжуманда Президентимиз социал-демократиянинг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган толерантлик ҳақида алоҳида тўхталиб, бу тушунча дунёдаги барча миллатларга бирдек қадрли ва тушунарли эканлиги, у халқларни бирдамликка чорлашини, бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини англатишини билдирганлиги янада эътиборлидир.

Мухтасар айтганда, юртимизда ўтказилган мазкур йирик анжуман Ўзбекистоннинг сайёҳлик имижини янада яхшилаш ва салоҳиятини юксалтириш, «Буюк ипак йўли» брендини кенг тарғиб қилиш ҳамда мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сонини янада оширишга хизмат қилади.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

**Нодира РАЖАБОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси, Самарқанд шаҳар кенгаши депутати:**

— Туризмни юксалтиришнинг имкониятлари ҳақида фикр юритганимизда даставвал қайси ҳолатларни назарда тутамиз? Аждодларимиздан мерос қолган мовий гумбаз минораларнинг сеҳру синоатими? Асрлар қаъридан завол топмай келаётган миллий маданиятимиз, санъатимиз, миллий қадриятларимизми? Юртимиздаги тўйу шодиёналардан дарак бергувчи карнай-сурнай садоларими? Ёки бозорларимиздаги кўзни қувнатадиган тўкин-сочинлик манзарасими?

Бу сифатларнинг барчаси сайёҳларни жалб этиш, туризмни жаҳон талаблари асосида ривожлантириш учун зарур шартлар, албатта. Бироқ БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг форумида мамлакатимиз Президенти алоҳида таъкидлаганларидек, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатдаги тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик туризм истиқболи учун муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистондаги одамларнинг бағрикенглиги, миллатлар ўртасидаги тотувлик, аҳиллик, меҳмондўстлик, юртимизнинг бугуни ва эртанги кунига нисбатан ишонч, хотиржамлик дунё халқларини ўзига чорламоқда десам, сира янглишмайман.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг барқарор турмуш шароитларини таъминлаш баробарида туризмни ривожлантиришга, соҳанинг моддий-техник базасини кучайтиришга, сайёҳлик манзилгоҳларини ободонлаштиришга, замонавий меҳмонхоналар ва транспорт хизматини муҳайё этишга катта эътибор қаратилди. Бутун Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритаётгани, 110 та халқаро сайёҳлик йўналишлари танлаб олингани ёки 500 тадан ортиқ меҳмонхоналар, мотель ва кемпинглар сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатаётгани соҳанинг нечоғли юксалиб бораётганидан бир нишона, холос.

Гапни сайёҳлик форуми юксак савияда ўтган Самарқанд шаҳри мисолида давом эттирадиган бўлсак, бу қадим масканадаги улкан ободончиликлар, тарихий ёдгорликларни, аждодларимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш, тарғиб этиш, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг такомиллаштирилаётгани, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани ҳар жиҳатдан мақбул бўлмоқда.

Эътибор беринг: азалдан дунё тамаддуни ҳисобланган бу қадим шаҳарда истиқлолга эришгунча хорижий сайёҳларни қабул қилиш учун атиги 3-4 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони ўттиз баробар ошган. Самарқанд аэропорти буткул модернизация қилиниб, халқаро мақомга эришгани, Тошкент — Самарқанд оралиғида "Афросиёб" тезюрар поезди қатнаётгани ҳам сайёҳлик салоҳияти юксалиб бораётганидан далолатдир.

Шу ўринда туризмни ривожлантириш, соҳа тараққиёти учун қулай шарт-шароитларни муҳайё этиш халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Депутатлар шаҳар экологияси, меъморчилиги, транспорт ва коммунал хизматлар бўйича мавжуд аҳволни ҳар сафар чуқур ўрганиб, доимий комиссияларда муҳокама этиб, зарур ўзгаришлар ясашга, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга, долзарб вазифалар устидан ижро назоратини таъминлашга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бу борада ижро ҳокимияти ва бошқарув идораларига киритилаётган ҳар битта таклиф, талаблар ўз натижасини бераяпти, десам янглишмайман.

Ана шу талабчанлик туфайли шаҳардаги ҳар битта қурилиш Самарқанднинг тарихий қиёфасига зиён етказилмаган ҳолда бош режа асосида амалга ошириладиган бўлди. Бугун шаҳардаги ўнлаб янги уй-жойлар, меҳмонхоналар, маъмурий бинолар, спорт майдончалари, яшил хиёбонлар ва қатнов хавфсизлиги талаблари асосида қайта таъмирланиб кенгайтирилган йўллар қадим масканнинг сайёҳлик аҳамиятини янада оширмоқда. Шаҳарнинг Сиёб ҳудудидаги Хўжа Дониёр зиёратгоҳи ободонлаштирилгани, бу ердаги эски бино ўрни текисланиб, ўрни гулгу гулзорга айлантирилгани тарихий обиданинг кўркига-кўрк қўшди.


ЎзА олган суратлар

Бундай ободончилик, бунёдкорликлар бугун ҳам азму шижоат билан давом эттирилмоқда. Самарқанд халқаро сайёҳликнинг асосий нуқталаридан бири сифатида ўз туристик имкониятларини кенгайтириб бормоқда. Бу қадим шаҳарга ташриф буюрувчилар сони янада кўпайиб, сайёҳлик иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланишидан, мукаммал бизнес-лойиҳалари амалга оширилишидан, тараққиёт сари янги қадамлар қўйилишидан далолатдир.



# Яратувчан андижонликлар

Давоми. Боши 1-бетда

Айниқса, Юртбошимизнинг ана шу маҳаллада намунавий лойиҳа асосида барпо этилган 50 та уйда яқинда уй тўйларини нишонлаган хонадон эгалари билан суҳбати одамларга янги руҳ, кўтаринки кайфият бағишлади. Вилоятда кишини лол қолдирувчи ўзгаришларнинг рўй берганлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалганлиги ҳаёт ҳақиқати. Бу ўринда мисоллар, рақамлар келтиришга эҳтиёж йўқ. Муҳташам уй-жойлар, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг, институт ва университетлар, коллежларнинг янги бинолари, қўшма корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, янги банклар, савдо расталари, кўркам боғлар... Нафақат вилоятимиз, балки бутун республикамиз кўрки, тароватu, чиройидаги ўзгаришлар замирида ҳам буни ҳис этасиз. Халқимиз дунёқараши ва онги, ислоҳотларга, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси тобора ортмоқда. Ахир инсон қанчалик фаровон, қанчалик тўқ яшаса, қулай ва замонавий шароитларга эга бўлса, ўзининг қадр-қимматини шунчалик англаб етади, дунёқараши ва онги ҳам шунга яраша бўлади.

Юртбошимиз бир гал андижонликлар ҳақида гапириб, дўпписида сув келтириб бўлсада гул ўстиради, дегандилар. Бу баҳо ўз ўзидан берилмаган. Кейинги йилларда вилоятимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларига мос равишда кўча ва гузарлар гулзорларга айланмоқда. Гул экмаган, борлиқни яшнатиш ишқи оз бўлсада қалбидан жой олмаган инсоннинг ўзи йўқ, бу ўлкада. Бу албатта, қалби гул каби беғубор ва яратиш, яшнатиш ишқи билан ёниб яшовчи юртдошларимизнинг самарали меҳнатлари натижасидир. Энг муҳими, халқимиз бу ўзгаришлар замирида узоқни кўзлаган оқилона сиёсат ётганини, барча ютуқлар сабаби тинчлик ва барқарорликдан эканини англаб етди. Буларнинг бари истиқлол шарофатидан.

Юртбошимизнинг оддий одамлар хонадонида бўлиб, самимий суҳбат чоғида оилаларга берган эътиборлари кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бу ғамхўрлик ҳам юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият эканини кўрсатиб турибди.

Эътибор қилайлик, бир вақтлар қишлоқларда уй-жой қурилиши, ободончилик ишларини амалга ошириш борасида кўпдан-кўп муаммолар йиғилиб қолган, улар ўз оқилона ечимини кутаётган эди. Уй-жойлар бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлимий хусусиятлари, оилаларнинг миллий анъаналари ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар йўқ эди. Ўзига ўзи уй солаётган кишининг имкониятлари чекланган, қурилиш материалларининг доимий танқислиги мавжуд, қишлоқда ривожланган қурилиш саноати йўқ, бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Режасиз қурилгани учун ҳам бундай аҳоли пунктларида инфратузилмани шакллантириш, яъни коммунал қулайликлар билан таъминлашнинг имкони топилмас, ичимлик суви, электр энергияси ва газ тармоқларини етказиб беришда жиддий муаммолар юзага келар эди. Бундай маҳаллаларда тиббиёт муассасалари, савдо шохобчалари, бозорлар барпо этиш қанчалик мушкул бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Бугун эса юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини фуқаро сифатида ҳар биримиз теран англаб етишимиз керак.

Юртбошимизнинг шаҳар ва қишлоқлар ҳаёти билан яқиндан танишганликлари, уларни ривожлантириш ва янада обод қилиш бўйича берган маслаҳатлари Андижоннинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини кучайтиришга хизмат қилади, албатта. Бу эса биз партия фаолларидан, депутатлардан ҳам ислоҳотлар жараёнида олдинги қаторларда бўлишни, амалий ишларимиз билан сайловчилар ишончини қозонишни, уларга берган ваъдаларимиз устидан чиқишни талаб этади.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати

# Ёшларни салбий ахборот таъсиридан ҳимоялаш — устувор вазифа

Давоми. Боши 1-бетда

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2014 йил 19 февралда қабул қилинган "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш ҳамда соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қатор янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёки янги таҳрирда қабул қилиш белгиланган эди. Мазкур қарор ижроси доирасида қатор мутасадди вазирлик ва идоралар экспертлари томонидан ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига тақдим этилган "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ёш авлодни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш борасидаги халқаро тажриба ўрганилди, жумладан, хорижий давлатларнинг соҳага тегишли 50 дан зиёд амалдаги қонун ҳужжатлари кўриб чиқилди.

— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва қатъий ишончга эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга қодир, мамлакатни ислоҳ этиш ва янгилашда таянч бўла оладиган ёшларни шакллантириш масаласи муҳим вазифа этиб белгиланди, — деди фракция аъзоси Раъно Гаимова. — Ёшлар сиёсати давлат ички сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани бу борада қабул қилинган энг дастлабки қонун ҳужжатларидан бири — "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун билан мустаҳкамланган.

Аммо бугунги глобаллашув шароитида ахборот-коммуникация воситаларининг кундалик ҳаётимизга чуқур кириб келаётгани, интернет тармоғи ва ОАВ орқали тарқатилаётган ахборотларнинг ҳар доим холис ва ҳаққоний эмаслиги ва улар орқали ташқаридан ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли ахборот хуружлари, мафкуравий таҳдидларнинг ортиб бораётгани каби омиллар "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши ота-оналарга фарзандларини тарбиялаш, уларни салбий ахборотлардан ҳимоя қилиш, болаларнинг жисмоний, маънавий ва ахборот хавфсизлигининг қонуний белгиланган кафолатлари комплексини яратиш, болаларнинг жамиятга қарши тажовузкор ва бошқа кўринишдаги хатти-ҳаракатларининг олдини олишга ёрдам беради.

Партиямиз ёшларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни четтадн кериб келадиган ахборот хуружлари ва зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш тарафдори. Айни шу жиҳатдан мазкур қонун дастурий мақсад-вазифаларимизга тўла мос келади.

Йиғилиш сўнггида ишчи гуруҳи аъзолари томонидан "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосани тақдим этишга келишиб олинди.

**Зулҳумор ЖАББОРОВА**

# Сайловчи амалий ишларимизга қараб баҳо беради

Давоми. Боши 1-бетда

***— Бошқа сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга катта ҳозирлик кўрмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган корхона қошидаги БПТ таянч бўғин сифатида хайрихоҳ ва тарафдорлар сонини кўпайтириш учун қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?***

— БПТ аъзолари ҳар ҳафта йиғилиш ўтказишга одатланишган. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари аҳамиятини муҳокама қилишади. Парламент ва фракция томонидан кўрилаётган қонун лойиҳаларини таҳлил қилишади. Шу билан бирга сайловга жиддий тайёргарлик кўриш асносида ўтган ҳафта «Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида сиёсий ўқув ўтказилди. Унда Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши масъул ходимлари, туман, шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда БПТ етакчилари ўзаро қизғин мунозараларга киришдилар, фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Ўқувда бир қатор қонунлар, хусусан, «Сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун, Конституциямизнинг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда сайлов тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Сиёсий ўқув жуда қизиқарли ўтди. Айниқса, қонунчиликдаги ўзгаришлар, сайлов жараёнлари, сайлов тизими ҳақидаги маълумотлар иштирокчиларнинг сиёсий билимларини янада бойитди. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 103-моддасига киритилган қўшимчаларга биноан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши кўзда тутилгани ҳар бир сиёсий партиянинг нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, балки маҳаллий Кенгашларда ҳам кўпроқ ўринларни эгаллашдан манфаатдорлигини оширади.

Тадбир иштирокчилари Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий асосларининг мустаҳкамланиши сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини, уларни ўтказишда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолати тўғрисида фикр юритишди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, сиёсий партия давлат ва жамият ҳаётига реал таъсир этувчи кучга айланиши учун, албатта, у сайловларда муносиб иштирок этиши керак. Демак, биз бу йилги сайловларга ҳар йилгидан кўра жиддийроқ тайёргарлик кўришимиз керак. Сайловнинг асосий вазифаси халқ хоҳиш-иродасини намоён этишга имкон бериш ва ҳокимият органларининг самарали фаолият олиб боришига, унинг такомиллашувига эришишдан иборат. Кейинги беш йилда мамлакатимиз ҳаёти қандай бўлиши, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, қандай қонунлар қабул қилиниши шу сайлов натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Демак, сайловда нафақат сиёсий партиялар, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши талаб этилади. Шундай экан, биз сайловга тайёргарлик жараёнида бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур бўлади.

***— «Мингбулоқсувтаъмирқурилиш»да Ўзбекистон «Адолат» СДП БПТ аъзолари сафи тобора кенгайиб бораяпти. Бунинг сабаби тарғибот ишлари намунали олиб борилаётганида бўлса керак, албатта?***

— Тўғри айтдингиз. Энг аввало, Наманган шаҳар партия ташкилоти мутасаддилари ва халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг корхонамизга тез-тез ташриф буюришлари ва турли мавзуларда тадбирлар ташкил этишлари ўз самарасини берди. Бу эса партиямиз ғояларини ва дастурини кенг тарғиб қилишда, шу орқали эса аъзолар сонини кўпайтиришда қўл келмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг: БПТ янги тузилган пайтда, яъни бир йил илгари етти нафар «адолат»чи бор эди. Ҳозир эса партиядошларимиз йигирма беш кишини ташкил этади. Яна 10 нафар ходим партиямизга аъзо бўлиш тўғрисида ариза берган. Жамоадошларимизни «Адолат» сафига жалб этишда партия ғоя ва дастурларининг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтириш яхши самара берди. Сайловолди дастурда қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партиямизнинг устувор вазифаси эканлиги таъкидланганлиги ҳаммага маъқул тушмоқда.

«Мингбулоқсувтаъмирқурилиш» МЧЖда ҳаммаси бўлиб, эллик нафар киши меҳнат қилади. Лекин унумдорлик юқорилиги, машина-механизмлар билан таъминланганлик даражаси ўсиб бораётганлиги, улардан фойдаланиш самарадорлиги юксалаётгани жамоа амалга ошираётган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми мунтазам равишда кўпайиб боришига олиб келмоқда. Айнан шу туфайли жамият бунёдкорлари ўзлари тендерда ютиб олган йирик объектларда 2 миллиард сўмлик давлат буюртмаси асосида жадал иш олиб бормоқдалар. Улардан бири Чуст туманида жойлашган канал қирғоқларини таъмирлашдан иборат. Бу иш уддаланса, бир неча минг гектар экинзорларнинг сув таъминоти яхшиланади, обиҳаёт исрофгарчилигига чек қўйилади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш янада кўпаяди, албатта.

***— Ўзингизга яхши маълумки, шу кунларда партиянинг янги сайловолди платформаси лойиҳаси ўз маромига етказилмоқда. Сизнингча, янги дастурдан қандай вазифа ва мақсадлар ўрин олиши керак?***

— Ўзбекистон «Адолат» СДП сафига киришдан олдин унинг дастури билан танишиш чоғида меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга қаратилган мақсадлари менга маъқул келганди. Бизнингча, янги сайловолди дастурида мазкур ғоя янада ривожлантирилиши керак. Чунки ижтимоий ҳамкорлик асрлар давомида амалда бўлган миллий менталитетимизнинг намойишидир. Бир қараганда ижтимоий ҳамкорлик иқтисодий, ижтимоий, маънавий тушунчадек кўринса-да, аслида у ҳуқуқий йўналишдаги катта соҳалардан биридир. Шу нуқтаи назардан «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бежиз эмас, деб ўйлайман.

Ижтимоий шерикчиликда бозор иқтисодиёти шароитида ташкилотлар, корхоналар, бизнес-тузилмалари билан ходимлар ўртасида тенглик ва шерикчиликка асосланган ижтимоий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар рағбатлантирилади. Яъни, иш берувчи ўз ходимининг барча истак ва талабаларини қондириш билан бирга, шартнома тузиш орқали манфаатларини ҳам тан олади, ҳамкорликка ундайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди ҳаракат дастури ва умуман, устав фаолиятининг негизи ижтимоий адолатни қарор топтириш, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш, партия электоратида жамият аъзолари билан ташкилотлар ўртасида шерикчилик ва ҳамкорликни таъминлашга эришишдан иборат. Бугунги кунда партия, хусусан, унинг депутатлик корпуси ва фракциясининг асосий вазифаси бизнес (тижорат ва тадбиркорлик) тузилмаларининг партия билан ҳамкорлигини кенгайтириш, ижтимоий ҳамкорлик ўрнатишга чақиришдан иборат. Айни вақтда партия ўз нигоҳини бизнес-тузилмалар билан шартнома асосида ижтимоий ҳамкорлик қилишга қаратмоғини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

***— Кейинги кунларда сиёсий партиялар фаоллари жамулжам бўлаётган йиғинларда яна сайловчининг кўнглига йўл топиш масаласи бош масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Табиийки, сайловчи партиянинг дастури ва албатта, ўтган сайловда берган ваъдасининг устидан чиқишига қараб овоз беради.***

— Тўғри, ўтган беш йил сиёсий партиялар учун яна бир синов даври бўлди. Энг муҳими — сиёсий партияни партия қиладиган, унга обрў, ном олиб берадиган бошланғич ташкилотлару жойлардаги депутатлар эканини чуқурроқ англаб ета бошладик. Бугун пештоқига "Партия қабулхонаси" деган чиройли ёзувлар туширилган бинолар остонасини шунча фуқаро босиб ўтди, фалон қанотимиз фалонча, фалон қанотимиз эса шунча тадбир ўтказди, партиямизга катта обрў олиб келди, дейиш осон. Аммо гап рақамларда эмас.

Бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ким йўлга қўйган, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга, уларни фаоллаштиришга ким кўпроқ ҳисса қўшган бўлса, сайловчи ўша партияга кўпроқ эътибор беради. Биз давлат ва жамият ўртасидаги кўприкмиз, деганимиз билан амалий ишларга қўл урмасак, партиянинг ишончли кўприклиги ҳам қоғозларда қолиб кетаверади. Сиёсий партияларга эркинлик ва кенг сиёсий рақобат майдонини яратиб берган конституциявий қонун кучга киргач, партиялар фаолларининг ҳаракатлари кучайгани рост ва бундан ҳар қанча қувонсак арзийди. Аммо бу ҳаракатлар бугунги кун талабига ҳар доим ҳам жавоб бермаётгани айрим жойлардаги депутатларнинг фаолсизлиги ва лоқайдлигида кўриниб қолаяпти.

Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги билан шуғулланаётган фидойи депутатдан ҳам, дастурий ғояларимизга хайрихоҳ электорат аъзосидан ҳам, энг чекка ҳудудимизда фаолият юритаётган бошланғич ташкилотнинг етакчисидан ҳам бир нарса талаб этилаяпти. Шу юрт учун беминнат хизмат қилиш ва Ўзбекистон «Адолат» СДПга ишонч билдирганлар ишончини оқлаш.

***— Корхона фаолияти билан танишиш чоғида шунга амин бўлдикки, МЧЖ иш бошлаганига энди саккиз йил тўлганига қарамай, қисқа давр ичида катта ўсишга эришилган...***

— Дарҳақиқат, дастлаб ихтиёримизда бор-йўғи учта механизм — битта экскаватор ва иккита ағдарма машина бор эди, холос. Ўтган давр мобайнида улар қаторига бир нечтадан янги экскаватор ва бульдозер, ағдарма машиналар, кичик бетон заводи қўшилди. Энди кун тартибига замонавий ишлаб чиқариш базаси қуриш масаласи ҳам қўйилмоқда. Бу иш ҳал этилса, жамиятнинг имкониятлари янада кенгаяди. Демак, партиямизнинг қишлоқ хўжалигида энг яхши анъаналарни сақлаб қолиш ва янада модернизация қилишдай дастурий вазифасини бажаришга салмоқлироқ ҳисса қўшилади.

Шу ўринда бир масалага эътиборни қаратмоқчи эдим. Сув хўжалиги тизимида 35 йиллик тажрибага эгаман. Аммо соҳага бугунгидек эътибор ҳеч қачон қаратилмаган. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фаолиятимизни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қолаверса, Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратаётган эътибори туфайли елкамизга офтоб тегди. Имтиёзли тартибда кредит ва лизинглар олиш имконияти пайдо бўлди. Бунинг ёрдамида хорижнинг илғор технологияларини келтириш бахтига мушарраф бўлдик.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркасининг ўтказилаётгани эса ишлаб чиқаришга янги, замонавий, юксак технологияларни жалб этиш имконини бераяпти.



Суҳбатдош:
**А.САЙБНАЗАРОВ**

➢ **Сайлов — 2014**

Сайловларда қатнашиш демократиянинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, аҳолининг сайловлардаги иштироки орқали демократик жамиятнинг ривожланиш даражасини баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига депутатларни сайлашда ёшларимиз иштирокининг аҳамияти жуда катта.

# Муҳим сиёсий жараёнларнинг биринчи иштирокчилари

Ўзбекистон "Адолат" СДП Зарафшон шаҳар кенгаши ташаббуси билан таълим муассасаларидаги 18 ёшга кирган ёшлар учун "Биринчи маротаба сайловда қатнашаман" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ёшларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи республикамиз фуқароларининг сиёсий ҳуқуқи сифатида Бош Қомусимизда ва сайловга оид бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилгани, сайловларда иштирок этиб, номзодларга овоз беришда ўз хоҳиш-истакларини, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ўз фуқаролик позициясини эркин намоён этиш демократик-ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси эканлиги кенг тарғиб қилинди.

Шу билан бирга давра суҳбатида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг сайловолди дастури, келажак авлод камолоти йўлидаги мақсад-вазифалари кенг тарғиб қилинди.

Партия ташкилотлари томонидан таълим муассасалари ҳамда маҳаллалардаги ёшлар орасида ўтказиб келинаётган "Социал-демократик ғояларни амалга оширишда партия ёшларининг иштироки", "Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш — асосий мақсадимиз", "Ёшлар ва ҳуқуқ", "Конституция — бахтимиз Қомуси", "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?" каби мавзулардаги тадбирлар ва кўрик-танловлар ҳақида маълумотлар берилди.

— "Адолат" партиясининг сайловолди дастури билан танишар эканман, ёшларга жуда катта эътибор берилиши, бизга келажагимизни ҳал қилувчи куч сифатида ишонч билдирилиши, йигит-қизларни ягона эзгу мақсад йўлида бирлаштириш ғоялари илгари сурилганлиги, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалалари менга манзур бўлди, — дейди партия фаоли Неъмат Нусратов. — Ёшлар билан ўтказиладиган тадбирларда зерикарли маърузалардан қочган ҳолда бугунгидек фойдали ва қизиқарли учрашувлар, юзма-юз, очиқ мулоқотлар, кўрик-танловлар ташкил этиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш самара беради. Бугунги тадбир ҳам муҳим сиёсий жараёнларда биринчи марта иштирок этадиган ёшларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижтимоий фаолликларини намоён этиш ҳамда ҳар беш йилда бир марта бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловларида фаол иштирок этиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда, сиёсий янгиланиш жараёнларида ўз позицияларини намоён қилишга чорлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали 2014 йил 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловлар уларнинг ҳаётида унутилмас кун сифатида муҳрланиб қолишига кўмаклашилади.

**Садоқат ШАМСИЕВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

* * *



Азал-азалдан сайловлар демократия кўзгуси ва фуқаролар ҳуқуқий-сиёсий маданиятининг ёрқин кўриниши вазифасини ўтаб келган.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасида «Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар...» деб белгиланган.

Демак, биз ёшларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқимиз қонун билан мустаҳкамланган. Биз унга албатта, риоя қилишга, ўз фуқаролик бурчимизни фаоллик ва ғайрат-шижоат, ақлу заковат билан адо этишга тайёр туришимиз керак.

Мен ҳам бу йил 14 декабрь санасида 18 ёшга тўлиб, ўзим хоҳлаган сиёсий партиямга аъзо бўлиш ва сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритаман. Сайловлар фуқаролардан сиёсий фаолликни талаб қиладиган муҳим жараён. Эртага қандай қонунлар қабул қилиниши, ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг қай даражада ўрнатилиши бевосита бизнинг муносиб номзодларга овоз беришимизга боғлиқ. Демак, менинг овозим ҳам мамлакатимизнинг эртанги куни қандай бўлишини ҳал этади.

Ўз олдимга Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлиш мақсадини қўйганман. Сабаби, партия дастурий мақсадларида иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион технологияларни жорий этиш ғояси илм-фаннинг турли соҳаларида изланишлар олиб бораётган биз ёш инноваторларни бефарқ қолдирмайди.

2013 йилда партия Сиёсий Кенгаши томонидан эълон қилинган «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси» кўрик-танловида «Шамол ёрдамида тоғлардаги катта тошларни кесувчи қурилма» деб номланган ишланма билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим.

Келажакда ҳам ўз изланишларим билан янгиликлар яратиш ва партия сайловолди дастурида кўрсатилганидек, инновацияга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш йўналишида улушимни қўшиб боришни мақсад қилганман.

**Жанибек ОРАЛБОЕВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошидаги «Ёш инноваторлар» клуби аъзоси

## Сайловнинг холислигини таъминловчи бўғин

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қўқон шаҳар кенгаши томонидан шаҳар Автотранспорт касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотида партия фаоллари иштирокида "Ваколатли вакил ва кузатувчининг сайловлар жараёнига тайёргарлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан шаҳар партия кенгаши раиси Юлдуз Исақова барча сиёсий партиялар томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири — ваколатли вакил ва кузатувчиларни танлаш ва уларнинг сайлов жараёнларига тайёргарлигини янада кучайтириш ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Иштирокчилар сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ва кузатувчиси институтларининг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловлардаги иштирокининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ваколатли вакил ва кузатувчиларни тайёрлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалар юзасидан батафсил маълумотлар олдилар ва ўзаро фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

**Комила ИСРОИЛОВА**

ADOLAT
№ 41 (1001)
2014-yil 10-oktabr, juma

# Конституция — фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолати

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сайлов ҳуқуқининг асосларини белгилаб беради. Чунончи, демократик давлатларда умумэътироф этилган қоидалар асосида шаклланган ҳамда амалда бўлган сайлов ўтказишнинг демократик принциплари Конституция билан сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилиши фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларининг амалга ошишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, демократик-ҳуқуқий сайлов қонунчилиги ва уни амалиётга татбиқ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг узвий таркибий қисмига айланди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро нормалар ва принципларга жавоб берадиган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базаси шаклланди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун замонавий талабларга жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлари яратилди.

Конституцияда белгиланган нормалар сайловга оид алоҳида қонунлар қабул қилиш билан тўла мазмунга эга бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, сайлов тизимига конституциявий ёндашув сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини таъминлайди ва алоҳида қабул қилинган қонунларга асос бўлиб хизмат қилади. Ўтган йилларда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилингани ана шу конституциявий нормалар рўёбида улкан аҳамият касб этди.

Албатта, жамиятимизда рўй бераётган муҳим демократик ўзгаришлар натижаси ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларга монанд равишда миллий сайлов қонунчилигимиз, ривожланган демократик давлатларда бўлгани сингари, тобора такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ушбу ўринда Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси республикани ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни, давлат ва жамият қурилиши соҳаси, ҳуқуқий тизим, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан мазкур тарихий ҳужжатда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича илгари сурилган қатор қонунчилик ташаббуслари тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган ислоҳотлар жумласига киради.



*2013 йилнинг июнь ойида ташкил топган "Шайхали" МЧЖ БПТ аъзолари сони 16 нафарга етди. Партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни муҳим сиёсий жараёнларга тайёрлаш мақсадида турли мавзуларда сиёсий ўқувлар ташкил этилмоқда.*

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айниқса, охирги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўйди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, депутатлар, Сенат аъзолари, ҳуқуқшунослар, тажрибали олимлар ва амалиётчилар таркибидаги ишчи гуруҳи томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси тайёрланди ва кейинчалик маъқулланди.

Мазкур қонунда мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ҳамда сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қиладиган қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини ва унинг бир хилда тушунилишини ҳисобга олган ҳолда "сайловолди ташвиқоти" тушунчаси очиб берилган. Сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслигига оид қоида мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланган. Муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари ва тартиб-таомиллари аниқ қилиб кўрсатилди. Овоз бериш кунига қадар, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишнинг тартибига оид қоидалар ўз аксини топган. Шунингдек, кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича Конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Айни чоғда қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имкониятини назарда тутадиган норма белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилиниши сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди. Ушбу ҳужжат Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақомини, унинг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига асосланган фаолиятини мустаҳкамлаш имконини берди. Асосий Қонунимизга киритилган тузатишлардан келиб чиққан ҳолда, сайлов тизимини янада демократлаштиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Бюджет кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бўлажак сайловларни умумэътироф этилган демократик принциплар, «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қабул қилинган қонунга мувофиқ ўтказиш мамлакатимизда сайлов тизимини изчил демократлаштиришда муҳим омил бўлади.

Конституциянинг 117-моддасига киритилган, мамлакатимиз сайлов тизимининг конституциявий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган тузатишларнинг алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этиш жоиз. Ушбу тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилди. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланди. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда сайловлар ижро этувчи ҳокимият органлари — Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги каби вазирликлар томонидан ташкил этилади. Марказий сайлов комиссиясига парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган мақомининг берилиши эса фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни тўлиқ таъминлайдиган сайлов тизимини янада демократлаштириш, шунингдек, сўз эркинлиги, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги ҳуқуқлар кафолатларини кучайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиши амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, уни фаоллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва такомиллаштириш, шунингдек, давлат бошқаруви, маъмурий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизнинг умумэътироф этилган, халқаро андозаларга, илғор чет эл тажрибасига асосланган ҳамда такомиллашиб бораётган сайлов қонунчилиги ва амалиётининг мустаҳкам таянчи, сарчашмаси ва асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Сайлов билан боғлиқ қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қашқадарё вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларидаги фаоллар учун ўтказилаётган сиёсий ўқувларда асосий мавзу бўлмоқдаки, бу шубҳасиз, бўлажак сайлов олдидан партиямиз фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади.

**Асрор ЭШИМОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти кенгаши аъзоси, "Шайхали" МЧЖ БПТ раиси

# Сиёсий кураш майдони унда қолиш ўзимизга боғлиқ

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳар бир партия сайловчиларга жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ ва тушунарли ҳаракат дастурини тақдим қилишга, депутатлар корпусидаги ўз вакиллари орқали ҳокимият тузилмаларини шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр туриши лозим. Зеро, дастури, позицияси кўпчилик сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланган сиёсий партиягина парламентда етарли ўринлар олишга ҳамда мамлакат сиёсий тизимида муносиб ўрин эгаллашга умид қилиши мумкин.

Бугунги кунда сафида 102 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган, мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ғояларини амалга ошириш учун курашаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам юртимиз ҳаётидаги турли ижтимоий масалалар юзасидан ўзининг аниқ позициясига эга. Айтиш жоизки, 2009 йилда қабул қилинган "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" Сайловолди дастуридаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва фан-таълим йўналишларида белгиланган вазифалар ижросида самарадорлик яққол намоён бўлди. Шу билан бирга "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажариш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятда фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этиш, қонун ижодкорлиги борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Қолаверса, ўтган йиллар мобайнида партия ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланди, "Адолат" СДПга кўплаб ташаббускор ёшлар аъзо бўлди, партия таянчи бўлган бошланғич ташкилотлар сони ошди, уларга янги кадрлар раҳбарлик қила бошлади.

Бу даврда ўтказилган партия Сиёсий Кенгашининг 13 та Пленуми, 49 та Ижроия қўмитаси йиғилишларида кўрилган масалалар орасида ташкилий-партиявий, маънавий-маърифий ва сайловолди ишлари, аёллар ҳамда ёшлар бўлимларининг фаолияти таҳлил этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари ва унинг барча бўғинлари тизимида турли мавзуларда ўқувларни ташкил қилиш, уларни зарурий адабиётлар, ўқув, илмий-услубий ҳамда ахборот-таҳлил, дастурий материаллар ва намунавий ўқув-режалари билан таъминлаш, ўқув-семинарларнинг самарадорлиги, уларнинг амалиётда ўз ифодасини қай даражада топаётганлигига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, уларнинг ҳудудий ташкилотлар ҳамда парламентдаги партия фракцияси билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига диққат-эътибор қаратилди.

> Бугунги кунда сафида 102 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган, мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ғояларини амалга ошириш учун курашаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам юртимиз ҳаётидаги турли ижтимоий масалалар юзасидан ўзининг аниқ позициясига эга.

— Сайловдан сайловгача бўлган давр оралиғида партия аҳоли орасига кириб бориш, ўз нуфузини ошириш, электорат манфаатларига хизмат қилиш орқали хайрихоҳлари сафини кенгайтириш борасида саъй-ҳаракат олиб боради, — дейди партия Марказий аппаратининг мафкура, тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Моҳира Холиқова. — Бунда эса партия фаолларининг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, савияси, салоҳияти, дунёқараши муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтгача партиянинг турли даражадаги ташкилотларида ўтказилган ўқув-семинарлар худди шу мақсадга хизмат қилди, дейиш мумкин. "Хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантиришда жойлардаги "Адолат" СДП бошланғич ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари", "Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш — оилалар мустаҳкамлиги гарови", "Қишлоқ аёлларининг ўзига хос муаммоларини ҳал этишда "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" Кенгашининг тутган ўрни", "Хотин-қизларнинг сайловлардаги фаол иштирокини таъминлаш — давр тақозоси", "Мустаҳкам оилани барпо этишда аёлларнинг етакчи роли" мавзуларидаги семинарлар беш йиллик фаолиятимиздаги дастлабки ўқувлар ҳисобланса, кейинчалик улар ҳам йўналиш, ҳам мавзулар кўлами ва самарадорлиги жиҳатидан янгича мазмун-моҳият касб эта бошлади.

Ушбу ўқув-семинарлар партия фаолиятини янада такомиллаштириш, ходимларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, социал-демократия ғояси ва мафкурасини аҳоли орасида тарғиб-ташвиқ этишнинг янгича усул ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида ўтказилди.

Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотларида жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш йўналишида фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини янада ошириш мақсадида "Партия матбуот хизмати фаолиятини кучайтиришнинг долзарб вазифалари" ҳамда "Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий ва ҳудудий ташкилотлари матбуот хизмати фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари" мавзусидаги ўқув-семинарлар ҳам кўзлаган мақсадимиз сари етаклади, деб айтиш мумкин.

Жорий йил сентябрь ойида ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилган "Сайловолди ташвиқотини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми" лойиҳаси доирасидаги "Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ваколатли вакил ва кузатувчи ҳамда ишончли вакил институтидан фойдаланиш амалиёти" мавзусидаги семинар-тренинглар сайловлар олдидан айни муддао бўлди. Унда сайловларда партия фаолларининг партия кузатувчиси ва ваколатли вакиллари ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари сифатида фаол иштирокини таъминлашнинг қонуний механизмлари, сайловларда сиёсий партиялар томонидан белгиланган кузатувчи, ишончли ва ваколатли вакилларнинг фаолият олиб бориш усуллари каби мавзуларда маърузалар ва амалий машғулотлар олиб борилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан чуқур хабардор бўлиб, электоратимизни қандай масала-муаммолар ўйлантираётганлигини доимий равишда мониторинг қилиб боришлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббус билан чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришиш, партия дастурий ғоя-мақсадлари ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ташаббускорликни кучайтиришлари лозим.

2012 йилда депутатлар томонидан 308 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 41 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилган бўлса, 2013 йилда 320 та депутатлик сўрови, 48 та депутатлик назорати, 2014 йилнинг 6 ойи давомида 136 та депутатлик сўрови, 39 та депутатлик назорати амалга оширилган. 2012 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига 24 та масала олиб чиқилган бўлса, 2013 йилда 26 та, 2014 йилнинг шу даврига қадар 14 та масала олиб чиқилган.

Юқорида келтирилган рақамлар халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатларнинг ижро ҳокимияти органларининг жойларда қонунлар ва давлат дастурларининг бажарилиши устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги ўрни ҳамда роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Бошланғич ташкилотлар фаолияти бошқа партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» СДП учун ҳам мақсад ва вазифалар ижросини таъминлайдиган ҳамда электорат манфаатини ифодалайдиган асосий нуқта ҳисобланади. Бу тузилма зиммасига сайловолди дастуримизни ҳаётга татбиқ этиш ва электорат билан ишлаш вазифаси юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда партиямиз ана шу бўғин фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан 2014 йил партия тизимида Бошланғич партия ташкилотлари йили, деб эълон қилиниши муносабати билан барча ҳудудий ташкилотларда жорий йилнинг биринчи ярми давомида «Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини ташкил этиш механизмлари» мавзусида ўтказилган ўқув-семинарлари доирасида ушбу тузилма фаолиятига оид бир қатор масалалар чуқур ўрганилди ва тегишли хулосалар чиқарилди. Энг муҳими, ана шу тадбирлар давомида аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган, ташаббускор, етакчилик қобилиятига эга ва масъулиятли кадрлар танланиб, кадрлар захирасига олинди.

Партия олдида улкан ва масъулиятли ташкилий-партиявий вазифалар тургани барчага яхши маълум. Хусусан, шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилиши белгиланган сайловлар барча кучларни сафарбар этиш, партия барча тизимларида ишни пухта ташкиллаштиришни талаб қилади.

**Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ**

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Ютуқлар самараси изланишда

**➢ БПТ — партия таянчи**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд шаҳар кенгаши таркибида бугунги кунда 33 та БПТ мавжуд бўлиб, улар ўз атрофида 1412 нафар аъзоларни бирлаштирган. Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги беш нафар партия депутати ва қуйи ташкилотлар ўртасида йўлга қўйилган фаол ҳамкорлик самараси ўлароқ уларнинг сафлари сиёсий етук, ташаббускор, партия ғояларига содиқ хайрихоҳлар билан кенгайиб бормоқда. Бу борада Самарқанд давлат музей-қўриқхонасида ташкил этилган бошланғич ташкилот аъзоларининг фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.



Партия тизимида "2014 йил — Бошланғич партия ташкилотлари йили" деб эълон қилинганлиги ушбу қуйи бўғин фаолиятини янада кучайтиришда муҳим омил бўлаяпти. БПТ фаоллари мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар мазмун-моҳияти хусусида жамоатчиликни хабардор этиш, партия сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ва "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этишни асосий вазифа этиб белгилаган ҳолда иш олиб боришмоқда.

— Партиямизнинг аҳоли орасидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Зеро, фуқаролар партия фаолиятига, у олиб бораётган амалий ишларга қараб баҳо беради, — дейди БПТ раиси Сафура Шомуродова. — Таъкидлаш лозимки, бизнинг музей-қўриқхонамиз ва бу ерда меҳнат қилаётган партиямиз аъзоларининг фаолияти фуқароларимизнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилгани билан ажралиб туради. Очиқ осмон остидаги музей, деб аталувчи Самарқандимизнинг буюк тарихий ўтмиши, аждодларимиздан қолган улкан маънавий мерос бугун нафақат халқимизни, балки бутун жаҳон сайёҳларини ҳам ўзига жалб этиб келаяпти. Бу, албатта, юртимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровонлик самарасидир.

Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган маданий ва моддий, миллий ва маънавий бойлигимиз, тарихий обидаларимизни авайлаб-асраш, уларнинг беқиёс аҳамиятини замондошларимизга батафсил тушунтириб бериш бизга фахр бағишлайди. Шу ўринда бир нарсани шараф ва ғурур билан айтиш мумкинки, сайёҳларга музейимиздаги тушунтиришлар жараёнида обидаларимизнинг меъморий ечими ва тарихини Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлар эканмиз, бобокалонимизнинг "Куч адолатдадир!" деган машҳур ғоясини ёдга оламиз ва ўз навбатида, партиямизнинг бугунги фаолияти ҳамда олиб бораётган ишлари ҳақида ҳам тўхталамиз. Бу эса партиямиз нуфузининг ошишига, тингловчиларнинг "Адолат" СДПга нисбатан қизиқиши кучайишига сабаб бўлади.

Айни пайтда вилоят ва шаҳар партия кенгашлари билан ҳамкорликда аъзолари сафини ташаббускор, серғайрат, изланувчан, халқпарвар, билимли ёшлар билан тўлдириб бориш БПТ фаолларининг диққат марказидаги масалага айланган. Буни қуйи ташкилот аъзолари сони жорий йил бошидан буён 63 нафардан 89 нафарга ошганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Қолаверса, жорий йилда қуйи ташкилот фаолларининг саъй-ҳаракати билан музей-қўриқхонага 20 нафарга яқин коллеж битирувчилари ишга қабул қилинди.

— Вилоятимизда 14 та музейларнинг ҳар бирида партиямиз фаолларининг борлиги, ўз навбатида, партиямиз дастурий ғояларининг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бораётгани ҳам ютуқларимиздир, — дейди БПТ етакчиси. — Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, биз ҳар бир музейда ва жойларда ўтказиладиган тадбирларимизда ҳам мунтазам тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида "Самарқанд: кеча ва бугун", "Обод шаҳар, фаровон ҳаёт", "Муқаддас Ватаннинг бахтли болалари", "Ҳуқуқий саводхонлик — сиёсий етуклик омили", "Демократик жамиятдан эркин фуқаролик жамияти сари", "Партиялараро рақобат ва сайловлар" каби долзарб мавзуларда ўтказилган тадбирларда партиямиз мақсад ва вазифаларини тарғиб қилдик. Уларда, айниқса, депутатларимиз, партиямиз фаолларининг иштироки олдимизга қўйган мақсадларимизни янада самарали адо этишда қўл келмоқда.

Дарҳақиқат, партиянинг бошланғич бўғинида олиб борилаётган бу каби тарғибот тадбирлари электорат вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш баробарида улар орасидан лидерларни ва депутатликка номзодларни танлаб олишга ҳам имкон беради, кенг жамоатчилик орасида партия нуфузини оширади.

— Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партиялар фаолиятига танқидий муносабат билдирганлари бежиз эмас, албатта, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Шарқия Бакаева. — Бугун ҳаётнинг ўзи жамиятда партиялараро соғлом рақобатни тақозо этмоқда. Табиийки, олдимизга қўйилган вазифаларни бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг етакчи ва фаолларининг фаол позициясисиз амалга ошириб бўлмайди. Агар барча бошланғич ташкилотларимизда Самарқанд давлат музей-қўриқхонасидаги сафдошларимиз каби фаоллик ва етакчилик масъулияти оширилса, биз зиммамиздаги вазифаларни албатта уддалай оламиз.

**Зубайдулла ИБРАГИМОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Самарқанд вилояти кенгаши
матбуот котиби

**➢ Ҳисобот-сайлов конференцияси**

"Гулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич ташкилоти фаолият кўрсата бошлаганига эндигина икки йил бўлди. Лекин қисқа муддат ичидаёқ мазкур БПТ, биринчи навбатда, унинг раиси Исроил Нажмиддинов ҳамда бошқа сафдошларнинг саъй-ҳаракати ва жонкуярлиги билан оёққа турди. У ҳозир шаҳар партия ташкилотининг ҳудудий тамойил бўйича тузилган мустаҳкам бўғинларидан бири ҳисобланади. Бу ерда қисқа муддат ичида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

## Электорат манфаатларига оид масалаларга ечим қуйидан шаклланиши зарур

Маҳаллада "Адолат" СДП аъзолари сафи кенгайиб бормоқда. Улар БПТ ўтказаётган тадбирларда фаол иштирок этиб, партия ғоя ва дастурларини тарғиб қилишда бажонидил қатнашмоқдалар. Натижада хайрихоҳлар сони кўпаймоқда. Бу эса ҳеч шубҳасиз, бўлғуси сайловларда номзодларимизга сайловчиларнинг эътиборини қозонишда кўмаклашади. "Якка сада", "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги партиямизнинг бошланғич ташкилотлари ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрлар билдириш мумкин.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Сирожиддин Жамолов:**

— Кейинги йилларда сафларимизни ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, аъзолар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилдик. Бу борада алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдамиз. Уни рўёбга чиқаришга БПТ раисларини, фаоллар ва фахрийларни жалб этганмиз. Натижа ёмон бўлмаяпти. Ҳозир партиядошларимиз сони 1200 нафардан ошиб кетди. Бошланғич ташкилотлар сони эса 65 тага етди. Бундан уч йил аввал бу кўрсаткич атиги 18 тани ташкил этганди. Партиядошларимиз эса 570 нафардан ошмасди.

Албатта, ўтган давр мобайнида шаҳар партия ташкилоти фаолиятида анчагина ижобий ўзгаришлар юз берди. Навбатдаги вазифа нафақат ютуқларни мустаҳкамлаш, балки мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, ҳали ишга солинмаган имкониятларни аниқлаш ва сафарбар этишдан иборат. Айниқса, аёллар ва ёшлар билан ишлашга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Чунки аҳолининг мазкур қатламларида партия сафларини ўстириш учун жуда катта захира мавжуд. Бу тобора яқинлашиб келаётган сайловлар арафасида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган шаҳар ташкилотининг V-ҳисобот-сайлов конференциясида ана шулар ҳақида сўз борди. Ҳисобот даврида партиянинг "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" деб номланган сайловолди дастури ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти ҳақида маъруза билан чиққан шаҳар кенгаши раиси Рустам Икромов ва бошқа делегатлар амалга оширилган ишларга танқидий ва таҳлилий баҳо бердилар. Асосий эътибор БПТ фаолиятини янада кучайтириш, бўлғуси сайловларда муваффақият қозониш учун шарт-шароит яратадиган ҳамма ишни қилиш кераклигига қаратилди.

Конференцияда Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Олимжон Мақсудов қатнашди ва шаҳар партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида нутқ сўзлади. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Вилоят партия конференциясига делегатлар сайланди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби

**➢ 2014 йил — Соғлом бола йили**

Ўз сафида минглаб тиббиёт ходимларини бирлаштирган андижонлик партиядошларимиз аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва сайловолди дастуримиздан келиб чиқиб, тиббий хизмат сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Вилоят партия кенгаши ташаббуси билан "Оналик ва болалик муҳофазаси, репродуктив саломатлик" мавзуида ўтказилган матбуот анжумани ҳам айни шу мавзуга бағишланди.

## Оналик ва болалик муҳофазаси



Маҳаллий ОАВ журналистлари, мавзуга алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари ва экспертлар иштирокидаги тадбир аввалида, амалдаги йилнинг республикамизда "Соғлом бола йили" дея номланиши келажагимиз эгаларининг саломатлигига бўлган эътиборни янада оширгани, давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Экспертларнинг бу борадаги фикрлари тингланди.

Ўз навбатида, маҳаллий нашрларда мавзунинг ёритилиши, журналистлар томонидан амалга оширилаётган ишлар билан бирга олдинда турган вазифалар ёритиб борилаётганига тадбир иштирокчиларининг эътибори қаратилди. Шу ўринда партиядошларимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Андижон, Асака ва Бўз туманлари партия кенгашлари томонидан йилнинг ўтган даврида бир неча бор саломатлик тадбирлари ўтказилгани, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлида тарғибот ишлари самарали ташкил этилгани эътироф этилди.

Мавзу юзасидан экспертлар Андижон давлат тиббиёт институти проректори Ғ.Тўйчиев ва Андижон шаҳридаги 3-мактаб директори М.Носирова вилоятда репродуктив саломатлик, болалар саломатлиги ва якка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчиларнинг ўқитилиши борасида олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берди. ОАВ ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Тадбир якунида партия фаоллари ва ОАВ ходимлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Акбаржон НАЗАРОВ**

## ҲАМ ижодкор, сиёсий фаол ёшлар

**➢ БПТ — партия таянчи**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ижтимоий адолат масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида партия мақсад ва вазифалари тарғиб қилиниши туфайли Бухоро вилоятида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг 40 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши сафида қатъий ҳаётий қарашга эга бўлган, ўз келажагини Ватан тақдири билан ҳамоҳанг қўювчи, замонавий билимларни эгаллаган, спорт турлари ва фан-таълим йўналиши бўйича совриндор ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарлидир.

Ана шундай ёшларимиздан бири Гулноза Жалолова "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгашининг фаол аъзоси. У ўқишга чанқоқлиги, меҳнатсеварлиги ва ўзига талабчанлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Гулноза ҳозирда Республика рассомлик коллежида дастгоҳли рангтасвир йўналиши бўйича таълим олмоқда.

— Санъатга меҳр болалигимдан куртак ёза бошлаган. Айниқса, табиат қўйнида унинг бор ифори, гўзаллигини мўйқаламда ифодалашга иштиёқим жуда баланд бўлган. Мен ўз устимда тинимсиз ишлашга ва устозларимдан мусаввирлик сирларини қунт билан ўрганишга ҳаракат қилдим, — дейди биз билан суҳбатда Гулноза.

Эътиборлиси, жорий йилда ёш ижодкор партиядошимиз Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўзининг "Баҳорий ҳислар" деб номланган шахсий кўргазмасини ташкил қилди ва ўзи яратаётган композицион ечимга эга асарлари билан кўпларнинг, хусусан, таниқли рассомларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Шунингдек, ёш фаолимиз "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши билан ҳамкорликда ёшларда ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини ўстириш, ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш мавзусида "Ёшлар ва сиёсий жараёнлар", "Устоз ва шогирд", "Тилга эътибор — элга эътибор", "Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш", "Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим масалалари", "Партия ёшларининг етакчилик маҳоратини шакллантириш" ва "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" каби қатор тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Бунинг натижасида "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалида, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритди.

— Давлатимиз томонидан биз ёшларга катта ишонч билдириляпти. Юртимизда кечаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишларига ўз иқтидоримиз ва салоҳиятимиз билан ҳисса қўшиш бурчимиз деб ҳисоблайман, — дейди ёш мўйқалам соҳибаси. — Шунингдек, партия томонидан уюштирилаётган тадбирлар ёшларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.



Ёшларга оид партия сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда биз жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўзимизни илм, фан-техника, санъат, бир сўз билан айтганда, ҳар бир жабҳада бор имкониятимизни ишга солишимиз, ҳуқуқий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланишимиз лозимлигини англаб етмоқдамиз. Ахир юрт фуқаролари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билса, уларга тўла риоя қилса жамиятда адолат қарор топади, фаровон турмушга эришилади.

Мухтасар айтганда, партия фаоллари ёшларни улуғ мақсадлар, амалий ишлар сари ундаб, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, турли лойиҳаларини амалга оширишда туртки бериши зарур. Зеро, партия ташкилотлари томонидан ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш ишларини такомиллаштириш долзарб масалалардан саналади.

**Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ**

## Ўзбекистон "Адолат" СДП хабарлари

Ёшларимизни спорт турларига оммавий тарзда кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, от спортининг тўсиқлардан сакраш (конкур) тури спортчиларини рағбатлантириш мақсадида "Устоз ва шогирд" шиори остида Қибрай туманидаги "Универсал жампинг Агро" МЧЖ биносида от спортининг тўсиқлардан сакраш тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон От спорти федерацияси ҳамда "Универсал жампинг Агро" МЧЖ, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирни Ўзбекистон От спорти федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Р.Мигманов очиб бериб, юртимизда спортга қаратилаётган эътибор ва ёшларимизнинг халқаро спорт мусобақаларида эришаётган ютуқлари ҳақида тўхталди.

Шунингдек, тадбир ташкилотчилари спортнинг аҳамияти ва уни оммалаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Саломатлик ҳар бир кишининг фаровонлиги ва шу билан бирга жамиятнинг бебаҳо бойлигидир, — дейди партия Тошкент вилояти кенгаши раиси биринчи ўринбосари Р.Толипов. — Бунда спортнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ғоявий дастурларида ҳам соғлом турмуш тарзини барпо этиш, спорт турларини ривожлантириш масаласи муҳим ўрин тутади. Шу боис партия етакчи ва фаоллари спортни оммавийлаштириш, аҳолининг унга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида шу каби тадбирларни ўтказишга муҳим эътибор қаратмоқда.

Зеро, спорт билан шуғулланган ёшларнинг саломатлиги мустаҳкам бўлиши билан бирга улар чаққон, эпчил ва довюрак инсон сифатида камол топади. Мустақил диёримизнинг ҳимояси йўлида юқорида қайд этилган сифатга эга ёшларни тарбиялаб вояга етказиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашига депутатларни сайлаш жараёнида илк бор қатнашаётган ёшларимиз иштирокида "Сайловда илк бор қатнашаман" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

**Умид ШОУМАРОВ**

ADOLAT
№ 41 (1001)
2014-yil 10-oktabr, juma

➢ **Қонун кучга кирди**

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кредитор қарздорликни, шу жумладан, бюджетга тўланадиган тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни қасддан банкротликка етказишнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш ва механизмларни яратишга қаратилган.

# Қасддан банкротликка олиб келиш – ғайриқонуний ҳаракат

Бизнингча, банкротлик масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Маълумотларга қараганда, 2009-2012 йилларда хўжалик судлари томонидан жами 19 минг 145 банкротлик тўғрисидаги иш кўрилиб, 18 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъект банкрот, деб топилган. Уларнинг кредиторлик қарзлари 4,7 триллион сўмни, шундан давлат бюджети олдидаги қарздорлик 3,5 триллион сўмни ташкил этган. Кредиторларга 84,9 миллиард сўм, давлат бюджети олдидаги қарздорлик учун 15,5 миллиард сўм тўланган, холос. Бунга банкротлик жараёни амалга оширилаётган вақтда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағи ёки мулкининг мавжуд эмаслиги сабаб бўлган.

Таҳлиллар натижасида айрим корхоналар бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобот муҳитига бардош беролмаётгани боис банкротлик ҳолатига тушган бўлса, баъзан банкротликка сунъий равишда йўл қўйилаётгани аён бўлди. Бунга "Банкротлик тўғрисида"ги қонунда суд бошқарувчилари зиммасига мансабдор шахсларнинг ва қарздор мол-мулк эгаларининг ҳаракатларида қасддан банкротликка олиб келиш ёки олдиндан ўйлаб содир этилган банкротлик аломатлари бор-йўқлигини ўрганиш вазифасини юкловчи қоидаларнинг йўқлиги сабаб бўлаётган эди.

Ушбу соҳада юзага келаётган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида қабул қилинган янги қонун билан "Банкротлик тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Унда суд бошқарувчиларига қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш вазифасини юкловчи қоида ўз ифодасини топган. Хўжалик суди кредиторнинг аризасига кўра банкротликка оид ишни кўриб чиқиш чоғида қасддан банкротликка олиб келиш ёки сохта банкротлик ҳолатларининг бор-йўқлиги юзасидан экспертиза тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди. Эндиликда ишда иштирок этувчи шахслар ҳам хўжалик судига ана шундай экспертиза тайинлаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Кредиторларга зарар етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда қасддан банкротликка олиб келиш ғайриқонуний ҳаракат, деб баҳоланади. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги фармонида хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказгани учун жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши қайд этилган.

Бу борада жавобгарликни ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ҳам ўзгартиришлар киритилмоқда. Унга кўра, қасддан банкротликка олиб келиш жиноий ҳаракат сифатида баҳоланади.

Мулк эгаси томонидан ғаразли манфаатларни кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу ўринда қонунда рағбатлантирувчи нормалар ҳам назарда тутилганини эслатиб ўтиш ўринли бўларди. Аниқроқ айтганда, қасддан банкротликка олиб келган шахс етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қасддан банкротликка олиб келиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи янги модда киритилган. Кредиторларга етказилган зарар миқдори белгиланган кўп миқдордан кам бўлса, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай ҳолатда жавобгарга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солинади.

Мазкур чора-тадбирлар пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан оқилона фойдаланишга, корхона иқтисодий салоҳиятини кўтариш ва иш ўринларини сақлашда корхона раҳбари ва мол-мулк эгаларининг масъулиятини оширишга, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, кредиторлар маблағларининг қайтарилиши кафолатини кучайтиришга кўмаклашади. Шунингдек, солиқларни тўлашдан бўйин товлашни бартараф этиш, бир кунлик фирмалар пайдо бўлишининг олдини олиш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатиб, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлайди.

**Феруза ОМОНОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолати

➢ **Адлия минбари**

Истиқлол йилларида иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган юздан ортиқ қонунларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, хусусан, тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантириш, хусусий секторни модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки бозор ислоҳотларнинг изчил ва самарали амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.



Энг муҳими, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари, қонун ва қонуности ҳужжатлари туфайли тадбиркорлик субъектлари қатор имтиёзларга эга бўлишаётгани эътиборга молик. Яратилган имкониятлар маблағларни тежаш, фаолиятни янада кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини оширишда қўл келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш, бизнесни янада ривожлантиришда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамиятга эга.

Қонуннинг 8 ва 19-моддаларига кўра, эндиликда тадбиркорлар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақлидирлар. Бу ҳуқуқ уларга ўз фаолиятини ҳар томонлама кенгайтиришга ва ўз навбатида янги иш ўринларини яратишга имкон беради. Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг соддалаштирилиши ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркорларга максимал даражада енгиллик бўлди. Бу эса уларнинг фаолиятига эркинлик тусини беради ва тадбиркорлик ривожига катта туртки вазифасини ўтайди.

Шу ўринда эътиборингизни қонуннинг тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган яна бир жиҳатига қаратмоқчимиз. Хусусан, унга биноан, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ равишда қонун ҳужжатларини қўллаш борасида вужудга келадиган масалаларда уларнинг ҳуқуқлари устун эканлиги эътироф этилган. Мазкур қонуннинг 11-моддасига кўра, эндиликда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципига амал қилинади. Унга мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини бузилиши ҳолатларига чек қўйиш, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини яхшилаш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва мутасадди идораларнинг масъул ходимларига етказиш мақсадида мутасадди идоралар томонидан жойларда доимий тарзда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда йўлга қўйилган «Ишонч телефон»лари хизмати яхши самара бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу ишонч телефонларига тадбикорлик субъектларидан келиб тушган 80 дан ортиқ мурожаатлардан аксарият қисми қаноатлантирилди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Қонунда яратилган яна бир қулайлик шундаки, ҳисоботлар тадбиркорлик субъекти хоҳишига кўра қоғозда ёки электрон шаклда топширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бунда тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклдаги ҳисоботлари тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Энди тадбиркор ҳисобот топшириш учун соатлаб вақт сарфламайди, қоғозбозлик камаяди.

Қонунда, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъекти фақат давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига, якка тартибдаги тадбиркорлар эса давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклларда ҳисобот тақдим этиши ҳам мустаҳкамлаб қўйилдики, бу давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот талаб этишларини ман этади.

Умуман олганда, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган кўплаб қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг амалиётга қўлланилиши туфайли нодавлат секторнинг умумиқтисодиётимиздаги улуши 55 фоиздан ошди. Иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан кўпроғи ушбу тармоқда фаолият юритмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу йўналишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаган ҳолда амалда тўлиқ ижросини ташкил этиш — нафақат масъул давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг, қолаверса, ҳар биримизнинг вазифамиз эканини ёддан чиқармаслик лозим.

**Алишер ХУДОЙҚУЛОВ,**
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддаси*

# Ҳуқуқий экспертиза қарорларнинг қонунийлигига хизмат қилади

Маълумки, миллий қонунчилигимизга асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилаш, бир сўз билан айтганда, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларни қабул қилишдан олдин лойиҳани тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилиш шартлиги қонун билан мустаҳкамланган.

Адлия вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида қайд этилишича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, уларнинг лойиҳаларига қўйилаётган талаб жамиятни демократлаштириш ҳамда модернизациялаш жараёнида давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги соҳасини янада самарали ташкил этиш, уларнинг фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ҳамда унинг барча фуқаролар учун очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, бу турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши бўйича қўйилган талаб расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслигини кафолатлаши баробарида аҳолининг хабардорлик даражасини оширишга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга имкон беради.

Таъкидланишича, бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинажак ҳар бир қарор Бош Қомусимиз, шунингдек, қонун ҳужжатлари, олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига зид келмаслиги бўйича ҳуқуқий асос етарли. Бироқ ўтказилган текширишлар натижасида ҳали айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланмоқда.

— Адлия органлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида қонун ҳужжатларини туркумлаш соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 231 та тақдимнома киритилган бўлиб, уларга асосан 310 та қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган қарорлар бекор қилинган ҳамда 67 нафар масъулиятли ходимлар интизомий жавобгарликка тортилган. — дейди вазирликнинг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғи Дилмурод Саъдуллаев. — Бу эса мазкур ташкилотлар ҳузуридаги юридик хизмат мутахассисларининг касбий салоҳиятини ошириш ҳамон долзарблигини йўқотмаётганини англатмоқда. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш мақсадида жойларда сайёр йиғилишлар ташкил қилиниб, уларда аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилиши ёрдамида кутилган самарага эришиш кутилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид қонунчиликка мувофиқ, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қарорларининг лойиҳалари мазкур Кенгашлар сессиялари ўтказилишидан камида уч кун олдин адлия бошқармасига тақдим этилиши ҳамда адлия бошқармалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг лойиҳалари Кенгаш муҳокамаларига киритилмаслиги ҳамда норматив хусусиятга эга бўлган қарор лойиҳаларини адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари юзасидан атрофлича маълумот берилди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

# «Хирмонда ҳозир»лар

➢ **Божхона бекати**

Мўмай даромад илинжида турли фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб пуллаётган ва божхона сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтишга уринаётган сохта "тадбиркор"лар муаллифларнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб, уларга жиддий зарар етказиш билан бир қаторда хорижнинг ур-йиқит, шовқин-суронли ва баъзида беҳаё фильмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий хавф туғдиришади.




Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республикамиз божхоначилари томонидан доимий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темир-йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан "Москва-Тошкент" поезди орқали юртимизга кириб келган фуқаро Комилжон *(мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган)* томонидан 1750 дона DVD ва CD дискларнинг яширинча олиб кирилишининг олди олинди.

Яна бир ҳолатда мазкур пост ходимлари қўшни давлат фуқароси Сеилхоннинг нафақат божхона қоидаларига, балки инсоний фазилатларга ҳам зид бўлган хатти-ҳаракатларини фош қилишди. Қаранг-ки, ушбу шахс беҳаё мазмундаги видео лавҳаларда ёзилган 4 дона DVD дискларни яширинча олиб киришга уринган экан.

Шунингдек, "Бошпочтамт" божхона пости ходимлари самарқандлик фуқаро номига Россия Федерациясидан йўлланган почта жўнатмасини амалдаги тартибларга мувофиқ божхона назоратидан ўтказишганда, божхона баённомасида кўрсатилмаган 32 дона DVD дисклар борлигини аниқлашди.

"Москва-Душанбе" поезди йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Низомиддиннинг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси "Болдир" темир йўл чегара божхона пости инспекторларини алдашга уриниши наф бермади. У ўзи ўтирган ўриндиқ остига 54 дона контрафакт тарзда кўчирилган DVD дискларни яширганча олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Мазкур поезднинг яна бир йўловчиси, душанбелик Акбарга ҳам контрафакт тарзда кўпайтирилган 41 дона DVD дисклар билан манзилига етиб бориш насиб қилмади.

Маълумки, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарори билан амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган. Мазкур рўйхатга мувофиқ, аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш билан шуғулланиш учун лицензия талаб этилади.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, ижарага бериш, шунингдек, фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турлари Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги эксперт комиссиясининг лицензиялари асосида фақатгина юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига мувофиқ, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг контрафакт нусхаларини сотиш савдо қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади. Шунга қарамай мазкур тартибларга риоя қилмаётган айрим шахсларнинг фаолиятига республикамиз божхоначилар томонидан чек қўйилмоқда.

Жумладан, Хоразм вилояти божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида янгибозорлик Назира турли кино, мусиқа ва клиплар ёзилган 211 дона дискларга тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмади.

Сурхондарёлик божхоначилар эса ҳамкорликдаги тадбир давомида деновлик Нуралининг ноқонуний фаолиятига чек қўйишди. Натижада, контрафакт тарзда кўпайтирилган 254 дона DVD ва CD дисклар холислар иштирокида далилий ашё сифатида олинди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 9-моддасига мувофиқ, давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, маънавият, инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда бошқа мамлакатлар халқларининг бадиий, тарихий ва археологик бойликларини, мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни, олиб кирилаётган товарларни истеъмол қилувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланиши мумкин.

**Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати**

# Андижонлик сафдош аёллар

## сиёсий куч обрўсини ошириб, янги лойиҳа ва ташаббусларнинг ижодкорига айланмоқда

**➢ "Адолат"нинг адолатли аёллари**

Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларга таааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштиришга кўмаклашиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишига, янгидан-янги лойиҳаларнинг ташаббускори ва ижодкори бўлиб етишишига яқиндан кўмак бериш Ўзбекистон "Адолат"нинг устувор вазифаларидан биридир.



— Аёлларни қадрлаб, ҳурматини жойига қўйиш фақат бизнинг юртимизгагина хос фазилат, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатхон Мусаева. — Истиқлол ўзбек аёлининг қаддини кўтарди, қадрини жойига қўйди. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хотин-қизларига катта ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг эркин фаолият кўрсатиши, ишлаши, жамият ҳаётининг ҳамма соҳасида фаол иштирок этиши учун барча шароитлар яратиб берилялти. Жамиятимизнинг фаол бўғини бўлган, гўзал ва фаровон ҳаётимиз зийнатига айланган аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, уларнинг мақоми юксаляпти. Сиёсий жараёнлардаги иштироки кучаймоқда. Бош Қомусимизнинг 46-моддасида мустаҳкам белгилаб қўйилганидек, бугун аёл ва эркак тенг ҳуқуқли. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазасига қаратилган 100 дан ортиқ янги қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳам аёллар манфаати тўла ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ҳам партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, уларни партия сафига жалб этишга астойдил уринаяпти. Партия Сиёсий Кенгашининг Аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш бўлими ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган қатор тадбирлар яхши самара бераяпти. Хусусан, Андижон вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадлари, ғояларини қўллаб-қувватлаётган аёллар сонининг ошиб бораётгани ва бугунги кунда ҳудудий ташкилотга бирлашган партия аъзоларининг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ва уларнинг аксарият қисми турли соҳаларда меҳнат қилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг самараси яққол намоён бўлади.

Вилоят партия кенгаши таркибидаги 16 та шаҳар ва туман кенгашларининг 10 тасини бугунги кунда аёллар бошқармоқда. Шунингдек, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги 45 нафар депутатимизнинг ўн тўрт нафарини аёллар ташкил этади. Улар ўзларининг меҳнати ва ибратли ташаббуслари билан кўпчилик сафдошларига намуна бўлишяпти. Жумладан, халқ депутатлари Андижон тумани Кенгашининг "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича" доимий комиссияси раиси Арофатхон Исманова ташаббуси билан шу йилнинг ўзида туман Кенгаши сессиясига учта долзарб масала киритилди ва тегишли қарорлар чиқарилди. Фидойи сафдошимизнинг ўрта мактаб битирувчиларини кейинги босқичга қамраб олиш, коллежларда ўқиётган ёшларнинг чет элларга чиқиб кетиши олдини олиш, бу борада мутасадди ташкилотларнинг масъуллигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, лицей битирувчилари бандлигини таъминлашдек хайрли ишларни ўз ичига олган бу таклифлари катта аҳамиятга эга. Кенгаш қароридан сўнг олиб борилган амалий саъй-ҳаракатлар эвазига бу масалаларнинг барчаси аста-секин ўзининг ижобий ечимини топмоқда. Кўп йиллардан буён тумандаги Иқтисодиёт коллежини бошқариб келаётган ташаббускор депутат етакчилик қилаётган доимий комиссия ҳудудда қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш, депутатлик сўровидан фойдаланган ҳолда жойлардаги муҳим масалалар ечимига мутасаддиларни жалб этиш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Вилоятда жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, чуқур билимли, ўткир салоҳиятли, кучли ва иродали бундай аёллар кўпчиликни ташкил этади. Асака тиббиёт коллежи директори, "Йил аёли-2013" республика кўрик-танлови ғолиби Наргиза Сатторова ташаббуси билан бу ердаги партия аъзолари сони 30 нафарга етди. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида "Биз буюк юрт фарзандларимиз" спорт марафонини ўтказаётган сафдошлар спортни ўзларининг энг яқин дўстига айлантириб янглишмади. Ўқитувчию ўқувчиларнинг барчасини ҳозир дарсдан бўш пайтларини спорт залларида ўтказиб, унинг инсон саломатлигини сақлашдаги беқиёс аҳамиятини чуқур ҳис этишяпти. Шу билан биргаликда коллежда ҳар душанба куни белгиланаётган иш режасига асосан ҳар бир кун самарали кечмоқда. Унга кўра бутун жамоа пайшанба куни спорт, жума куни эса маънавият ва маърифат масалалари билан шуғулланяпти. Шанба куни ўқув даргоҳи ободонлаштирилиб, озодалик ва тозалик таъминланяпти.

Асака тумани ҳокимлиги маънавият-тарғибот маркази раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳибаси Муқаддасхон Абдуллаева ҳам партиявий ишларда фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг етакчи "GM Uzbekistan" автозаводида ҳамда туман тиббиёт бирлашмасида "Адолат" СДП аъзолари сони 525 нафарга етди. Шаҳрихон тумани партия кенгаши раиси Марҳабохон Мўйдинованинг саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уйда ишламай бекор ўтирган 30 нафар аёл касаначилик соҳаларига жалб этилиб, иш билан таъминланди. Жалақудуқ туманидаги 17-ихтисослаштирилган мактаб-интернати БПТ раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Рушана Рустамова вилоятда яқинда ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида фахрли 2-ўринни эгаллади. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий таълим масалалари мавзусида магистрлик диссертациясини ёқлаган сафдошимиз яратган 20 дан зиёд илмий мақолалар бугунги кунда ўзининг долзарблиги билан кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Партиявий ишларга янгича назар билан қараётган Қўрғонтепа тумани партия кенгаши раиси Фотимахон Сиддиқованинг эътиборидан ҳеч бир масала четда қолаётгани йўқ. Унинг ташаббуси билан туманда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" акцияси ўтказилди. Акция доирасида тумандаги аёллар ва болалар бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги чуқур таҳлил этилди ва кўпчиликка зарур ёрдам кўрсатилди. Ҳудудий ташкилотнинг мустаҳкам таянчига айланган бундай фидойи аёллар юртни обод, элни фаровон қилишдек мақсадларни кўзлаган.

Аёлларнинг уйда ўтирадиган даври аллақачон ўтиб кетди. Аёл ҳам турмуш ўртоғи каби бирон-бир ишда ишласин, элига нафи тегсин, ўз орзу-мақсадларига эришсин, оиласи фаровонлигини, фарзандларининг бахтли-саодатли ҳаётини таъминлашга ҳиссасини қўшсин. Оилада фарзанд энг аввал ота-онасидан ибрат олади, ҳаётни ўрганади. Демак, фарзандлар келажаги, тақдири оталар билан бирга аёлларга ҳам боғлиқ. Шундай экан, уй-рўзғор юмушлари, оила ташвишлари, фарзандлар тарбиясидан ортиб ишлаётган аёллар ўғил-қизларига яхши ибрат бўла олади.

Энг муҳими, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини топишига хизмат қилувчи қатор тадбирларимиз орқали уларнинг қалбига кириб бораяпмиз. Айниқса, партия Сиёсий Кенгаши ва Марказий банк ташаббуси билан аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Бу икки ҳамкор ташкилотнинг вилоятимизда ўтган йили ўтказган тадбирида аёллар тадбиркорлигига 400 миллион сўмлик молиявий кўмак ажратилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 1,5 миллиард сўмга тўғри келди. Молия муассасаларининг имтиёзли кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларига эга бўлган 70 нафарга яқин аёллар ва ёшлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, кўп йиллик мақсадига етишди.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, ҳали олдинда бажариладиган ишлар кўп. Айниқса, парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов кампанияси барча сиёсий партиялар учун масъулиятли даврдир. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг жамиятдаги ўрни, давлат бошқарувидаги иштироки, электорат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича қандай имкониятларга эга бўлиши партиянинг сайловдаги иштироки ва уларнинг натижалари билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлар ва партия етакчилари қатори андижонлик аёллар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиши, партиянинг кўпроқ овоз олишига муносиб ҳисса қўшмоғи зарур.

**Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,**
«Adolat» мухбири

## Миррихда бир миллион одам яшайди



Америкалик таниқли миллиардер Элон Маск инсониятни эсон-омон сақлаб қолишнинг ишончли йўлларидан бири сифатида шу аср охирига қадар Марсга бир миллион одамни кўчиришни таклиф этмоқда.

Машҳур SpaceX ва Tesla Motors компаниялари раҳбарининг сўзларига қараганда, фақат шундай йўл тутиш орқали келажакда, яъни Қуёш сўнмасидан бурун ерликлар ўзга сайёралар ва юлдузларни забт этиб улгурадилар.

Э.Маск ўз чиқишида илм-фан тараққиёти, янги инновацион технологиялар инсониятнинг ёрқин келажагини таъминлашини яна бир бор қайд этиб ўтган. Бу мулоҳазалари давомида миллиардер айрим олимларнинг яна табиатга қайтиб, оддий кун кечириш лозимлиги тўғрисидаги нуқтаи назарларига мутлақо қарши эканлигини таъкидлаган.

— Коинотдаги ҳар қандай цивилизация узлуксиз ва чексиз-чегарасиз тараққий этишининг ягона шарти бор, — дейди Э.Маск. — Бунинг учун лозим бўлиб қолган чоғларда яшаш жойини ўзгартириш, яъни ўзга сайёраларга ўтишни ташкиллаштириш керак. Инсоният олдида мана шундай йўл турибди, бу ҳам бўлса "Қизил сайёра"га кўчиб ўтиш.

Албатта, бир миллион одамни ўзга сайёрага кўчириб олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Э.Маскнинг ҳисоб-китобларига кўра, бунинг учун Миррихга 100 минг марта учиб боришга тўғри келади, бу ишни эса асримизнинг қолган саксон-саксон беш йили мобайнида бемалол уддалаш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Э.Маск бошқараётган SpaceX компанияси 2020 йилдан бошлаб Марсда кўнгиллилар учун биринчи доимий яшаш жойлари ишга туширилишини маълум қилганди. Ҳозирча Миррихга боришни истаган фазовий саёҳатчилардан 500 минг доллар тўлаш талаб этилмоқда.

Дарвоқе, аср охирига бориб орбитада мини-шаҳарлар бунёд этиш ҳаракатига тушиб қолган NASA миллиардернинг бу таклифини қўллаб-қувватламоқда.

## Фермага фақат роботлар қабул қилинади

Олтой ўлкасида очиладиган янги сутчилик фермасида фақат роботлар ишлайди.

Маҳаллий фермерлар янги инновацион технологияни кунт билан ўрганишмоқда. Ферма тўлиқ ишга тушганидан сўнг даромад 2-3 баробар ошиши кутилмоқда.

Лойиҳа муаллифларидан бири бўлган Александр Орловнинг сўзларига қараганда, бунақанги даражада ихтисослаштирилган роботлар мамлакатда илк бор яратилди. Тизим одамларнинг ўрнини тўлиқ эгаллайди, фақат барча ишлар тез ва сифатли адо этилади. Корхонадаги тозалик, гигиена қоидаларига амал қилинишига эса фақат ҳавас қилиш мумкин.

Зангламас пўлатдан қурилган ферма алоҳида кабинани эслатади. Сигир турадиган бу кабинадан тайёр маҳсулот қувурлар орқали махсус бочкаларга етказиб берилади. Компьютер тизими эса ишлаб чиқариш кўрсаткичи ва ҳар бир сигирнинг аҳволини назорат қилиб туради, зарур ҳолларда молларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Истеъмолга яроқсиз сут автоматик тарзда махсус идишга ўтказилади.

Табиийки, фермада барча иситиш тармоқлари қуёш батареялари орқали ишлатилади.

Дарвоқе, олимлар тез орада ферма бутунлай чиқитсиз ишлай бошлашини таъкидлашмоқда. Яъни, фермадан чиққан гўнг махсус гидродинамик каватиция усулида ишловдан ўтганидан сўнг юқори сифатли органик ўғитга айланади.




*1 сигир соғиш кабинаси. 2 сут сифати текшириладиган тизим. 3 тайёр сут баки. 4 сифатсиз сут учун идиш. 5 сут сепаратори.*

## Юрак бир хил урмайди



"Дунёда неча миллиард одам яшаса ҳам, бир инсоннинг бармоқлари изи иккинчисиникига ўхшамайди..." Бу аксиома ҳаммамизга ёд бўлиб кетган, албатта.

Буни қарангки, канадалик бир гуруҳ мутахассислар ҳар бир инсонда нафақат бармоқ излари, балки юрак уриши ҳам турлича эканини исботладилар.

Мамлакатдаги Bionym компанияси ишлаб чиққан Nymi ҳалқасини билагингизга тақсангиз бас, у сиздан ЭКГ олиш билангина кифояланмасдан, қўлларингиз ҳаракатини ҳам таҳлил этади, барча маълумотларни махсус чип орқали қурилмага ўтказади.

Мутахассислар одам юрак уришининг бир неча омиллари ҳисобга олинишини таъкидлашган. Хуллас, билагузук шаклидаги Nymi барча маълумотларни таҳлил этади, намуна билан солиштиради ва шундан кейингина шахснинг кимлигини кўрсатиб беради.

Тадқиқотчилар тез орада бундай қурилмалар ҳар қандай қулфлар калитларининг ўрнини босишини таъкидлашмоқда. Бундан ташқари, банк карточкаларига ва компьютер тармоқларига ҳам Nymi орқали кириш имконияти яратилади.

Тўғри, айрим олимлар Nymi самарадорлигига шубҳа билан қарашмоқда. Яъни, бирон сабаб туфайли инсон юраги уриш суръати кескин ўзгариб қолган тақдирда қурилма нотўғри хулосага ҳам келиши мумкинлиги уларнинг эътирозига сабаб бўлган.

Шунга қарамасдан қисқа муддат ичида 100 мингдан ошиқ киши янги Nymi қурилмаларига буюртма берган.

Интернет хабарлари асосида **Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

# Кураш давом этади

**➢ Дунё сайловлари — 2014**

Лотин Америкасининг етакчи давлати, аҳолиси, ҳудудининг катталиги жиҳатидан дунёда бешинчи ўринда турадиган Бразилияда бўлиб ўтган президент сайловининг биринчи босқичи кутилмаган натижаларга бой бўлди. Reuters ахборот агентлигининг Бразилия Олий сайлов трибунали маълумотига асосланиб хабар беришича, сайловларнинг биринчи туридан сўнг, овозларнинг 98 фоизи ҳисоб-китоб қилинганида, мамлакатнинг амалдаги президенти Дилма Русеф 41,4 фоиз овоз тўплаган. Унинг асосий рақиби — социал-демократлар вакили Аэсиу Нэвисни эса сайловчиларнинг 34,20 фоизи қўллаб-қувватлаган. Сайлов пойгасида Бразилия социалистик партияси номзоди, учинчи асосий рақиб Марина Силва 21,3 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган.



Бразилиянинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, агар сайловда иштирок этаётган номзодлардан бирортаси 50 фоиз овоз йиғолмаса, унинг иккинчи босқичи ўтказилади. Энди 26 октябрь куни бўладиган иккинчи турда кураш сўнгги 20 йил давомида мамлакатни кетма-кет бошқариб келаётган икки йирик сиёсий куч номзодлари — амалдаги президент Дилма Русеф ва социал-демократлар етакчиси Аэсиу Нэвис ўртасида кечади.

Дилма Русеф Меҳнат партиясидан номзод сифатида биринчи марта 2010 йилда мамлакат президенти этиб сайланган эди. Бразилия Конституциясига кўра, давлат раҳбари умумхалқ овоз бериш йўли билан тўрт йиллик муддатга кетма-кет икки марта сайланиши мумкин.

Айтиш жоизки, Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари орасида ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқлик даражаси бир пайтлар энг юқори бўлган Бразилияда 2003 йилдан бошлаб аҳвол тубдан ўзгара бошлади. Ҳокимият тепасига келган Меҳнат партияси кўплаб ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга оширди, натижада миллионлаб бразилияликлар қашшоқлик домидан чиқиб, ўрта қатлам сафига қўшилди. Шу боис аҳолининг камбағал қатлами орасида ушбу партия вакили Русеф хоним тарафдорлари кўплаб топилади. Дилма Русеф ўз сайловолди дастурида келгусида ҳам аҳолининг ночор қатлами учун ижтимоий дастурларни кенгайтириш ва мамлакат иқтисодиётини бошқаришда давлатнинг ролини кучайтиришга урғу бермоқдаки, ўз навбатида бу ишбилармон доиралар томонидан кескин эътирозларга учраб, танқид қилинаяпти.

Бразилиядаги йирик сиёсий кучлардан бири ҳисобланган социал-демократик партия эса 1994 йилдан 2002 йилгача ҳокимиятни бошқариб, мамлакатда чегара билмаётган инфляцияни жиловлашга ва иқтисодиётни соғломлаштиришга эриша олганди. Экспертлар фикрича, Аэсиунинг ғолиб чиқиш имкониятлари бор. Иқтисодий маълумотга эга 54 ёшли Аэсиу Нэвис Бразилиянинг йирик штатларидан бири — Минас-Жерай губернаторлигига икки марта сайланган, бошқарувда етарли шуҳрат қозонган тажрибали сиёсатчи ҳисобланади. Унинг бобоси Танкредо Невис ҳарбий диктатурадан кейинги Бразилиянинг биринчи президенти этиб сайланган, лекин вазифага киришмасдан аввал касал бўлиб, ҳаётдан кўз юмган эди. Социал-демократ Нэвис ўзининг сайловолди дастурида ЯИМнинг ўсиш суръатларини ошириш учун иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга, хусусан, жамоатчиликда норозилик уйғотаётган солиқ солиш тизимини қайта кўриб чиқишга ваъда берган.

Кузатувчилар таъкидлаётганидек, мамлакатда инфляциянинг яна юқорилаётгани, солиқ юкининг ортиши, иқтисодий ўсишнинг секинлашуви, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида мавжуд қатор муаммолар ўз ечимини топмаётгани амалдаги Русеф ҳукуматига нисбатан норозилик кайфиятини кучайтираяпти. Жорий йилда солиқ тўловчи бразилияликларга қимматга тушган футбол бўйича жаҳон чемпионатига зарур инфраструктураларни тайёрлаш жараёнидаги коррупция ҳолатлари ҳам оммавий норозиликларни келтириб чиқарди. Ҳукуматга қарши норозилик намойишлари одатий тус олди.

Нима бўлганда ҳам бразилияликларни ўзгаришлар кутмоқда. Энди бразилиялик сайловчилар қандай қарор қабул қилганлари 26 октябрда маълум бўлади.

**F.ХИДИРОВ**

ADOLAT
№ 41 (1001)
2014-yil 10-oktabr, juma

# Ғолиблар орасида партиядошларимиз ҳам бор

17th Asian Games
INCHEON 2014

“Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди”. Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан билдирилган ушбу фикрлар спортчи ёшларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқларида такрор ва такрор намоён бўлмоқда. Буни яқинда Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари қўлга киритган муваффақиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



Навбатдаги Осиё ўйинларида қитъамизнинг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи 36 спорт тури бўйича 437 медаллар жамланмаси учун ўзаро баҳслашди. Улар орасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари кўпчилик эканлиги мусобақаларнинг кескин ва муросасиз кечишини таъминлади.

Осиё ўйинларида иштирок этган 291 нафар спортчимиздан 56 нафари совриндорлар сафидан ўрин эгаллагани эътиборга лойиқдир. Бу ўртача ҳар беш нафар спортчидан бири совринли ўринлардан бирини эгаллаганидан далолат беради.

Мамлакатимиз спортчилари иштирок этган 32 спорт туридан 12 тасида биз совринли ўринларни банд этдик. Бунда айниқса, спортнинг эркин ва юнон-рум кураши, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, оғир ва енгил атлетика, бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, таэквондо WTF каби турлари бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимизнинг қўлга киритган ютуқлари салворли бўлди.

Осиё ўйинларининг якунларига кўра 44 медаль, яъни 9 та олтин, 14 та кумуш ва 21 та бронза медалига сазовор бўлган Ўзбекистон делегацияси олтин медаллар сони бўйича умумжамоа ҳисобида 11-ўринни, жамоавий баҳсларда қўлга киритилган ютуқлар ҳам ҳисобга олинганда мамлакатимиз спортчилари жами 61 медалга (12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медаль) сазовор бўлиб, медалларнинг умумий сони бўйича 9-ўринни эгаллади.

Биз учун янада қувонарлиси Осиё ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган спортчилар орасида Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоларининг борлигидир. Яъни, эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, партиямиз аъзоси Вадим Меньков ўзига билдирилган ишончни оқлади. У 1000 метр масофага каноэда эшкак эшиш баҳсида маррага биринчи бўлиб етиб келди ва олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, гимнастикачи қизларимиз сафида жамоавий баҳсларга киришган партиядошимиз Жамила Раҳматова ҳам ҳалқа, тўп, булава, лента билан мураккаб машқларни бажаришда мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлиб, олтин медалга муносиб кўрилди.

**Шаҳноза ШЕРМУРОДОВА**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар ўртасида **«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

*Танлов шартлари*

Танловга 2014 йилнинг 1 январидан 1 декабрига қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

*Танлов ғолибларига мукофотлар*

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар (телевизор, ноутбук, планшет) билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2014 йил 10 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz, mmf.uz@mail.ru.

*Ташкилий қўмита*

Тошкент шаҳар Сергели-2 даҳаси 33-уй, 8-хонадонда истиқомат қилувчи 1966 йил 28 апрелда туғилган Косимова Майрамой Таджиевнанинг меҳнат дафтарчаси йўқолгани сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросида банк тизимининг устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

## Имтиёзли кредитлар — тараққиёт омили

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларининг инвестиция портфелларини мониторинг қилиш департаменти директори А.Қосимов Президентимиз раҳнамолигида банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг ўтган ойларида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 6,3 триллион сўм маблағ ажратилган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар юқори. Мазкур маблағнинг 1,3 триллион сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бу борада ҳам 2013 йилга нисбатан қарийб 1,3 баробар ўсишга эришилди. Бунда кичик бизнес вакилларининг миллий валютадаги ҳисоб рақамлари тижорат банклари томонидан тўлов ундирилмасдан очилаётгани, уларнинг аризалари уч банк куни давомида кўриб чиқилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Банклар томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 660 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳаларга 879 миллиард сўм йўналтирилди. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 124,4 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Тадбир доирасида пойтахтимиздаги банк сармояларидан унумли фойдаланган “Янги лазер чирой” МЧЖнинг «Heiberg Clinic» болаларга тиббий хизмат кўрсатаётган масканида кўргазмали семинар ўтказилди. Ушбу шифо масканида тўрт йилдан буён уч ёшгача бўлган болаларда нор, яъни қизил доғни даволаш бепул амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

**А. СОДИҚОВ**




# Сармоялар аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги йўлида

**➤ Молия муассасаларида**

“Микрокредитбанк” АТБ аёллар тадбиркорлигини, ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлашга устувор вазифалардан бири сифатида қараб келмоқда. Бунинг натижасида, охирги 10 йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг ҳиссаси 1,6 баробарга ошган бўлса, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқаришмоқда.

Банк томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектлари билан семинарлар ўтказиш доимий йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда республикамизнинг чекка туман, қишлоқ ва овулларида оилавий тадбиркорлик, касаначилик, соҳага оид ислоҳотлар юзасидан учрашув, давра суҳбатлари, турли семинар-тренинглар уюштирилмоқда.

Масалан, мамлакатимизнинг энг олис ва чегара ҳудудларидан бири ҳисобланган Узун туманида семинарлар туман марказида эмас, марказдан 50-80 км олисда жойлашган “Хонжизза”, “Боботоғ” каби маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ўтказилди. Шунингдек, бу каби учрашувлар Жиззах вилояти Фориш тумани марказидан йироқда бўлан “Гараша” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам ташкил этилди.

“Микрокредитбанк” томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш” лойиҳаси доирасида йўлга қўйилган ўзаро гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида микрокредит ажратиш борасидаги ишлар ҳам ўз самараларини бермоқда.

Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида Қонликўл, Тошлоқ ва Қарши туманларида 174 нафар аёлга микрокредитлар ажратилган бўлса, иккинчи босқичда Юқори Чирчиқ, Фориш ҳамда Мирзаобод туманларининг 360 нафардан зиёд аёлларига имтиёзли бошланғич сармоялар гуруҳ аъзолари ўзаро кафиллиги асосида ажратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аёллар, ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш масадида ишлаб чиқилган Қўшма иш режасига мувофиқ жорий йилнинг июнь ойида республикамизнинг чекка ва чегара туманларида, жумладан, Нурота, Мўйноқ, Ёзёвон, Узун, Касби, Мингбулоқ ва Хонқада “Банк ва коллеж ҳамкорлиги” лойиҳасининг “Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами!” мавзусида тадбирлар ташкил этилди.

Ушбу тадбирларда жами 593 нафар битирувчи ёшларга бошланғич сармоя ажратилиши бўйича сертификатлар (333 нафари қизлар) ҳамда тикувчилик билан шуғулланиш ниятида бўлган 47 нафар қизларга тикув машиналари тақдим этилди. Бунинг натижасида юқорида қайд этилган туманларда 628 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, хусусан, 389 нафар битирувчи қизларнинг иш билан бандлиги таъминланди.

Reklama o'rnida

MIKROKREDITBANK

Шунингдек, бугунги кунда ишбилармонлик кўникмаларига эга аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этган ҳолда, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Европа Иттифоқининг “Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар” қўшма лойиҳаси айни шу мақсадга йўналтирилган.

Хусусан, ушбу лойиҳага кўра пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Кўкча-Оқтепа, Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Зебунисо, Чирчиқ шаҳридаги Гулзор ҳамда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Фурқат ва Истиқбол маҳаллаларида “Ахборот ойнаси” иш бошлади. Хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имконият ҳамда имтиёзлардан тўлиқ хабардор қилиш, уларга бизнес-режалар тайёрлаш, тегишли ташкилий, молиявий ва солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, давлат ташкилотлари билан боғланишда кўмаклашиш, тадбиркорлик ва микрокредитлар бўйича ўқув машғулотларини, давра суҳбатларини ташкил этиш “Ахборот ойна”ларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ушбу лойиҳа “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 33-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Микрокредитбанк” АТБ ҳамкорлигида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари туманларида ташкил этилган “Ахборот ойна”ларида бир йил давомида 500 нафардан зиёд ишсиз аёллар ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этиш ҳамда уларнинг камида 120 нафарига бизнес лойиҳа ишлаб чиқишда, кам фоизли микрокредитлар олишда ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашда амалий кўмак кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Мазкур жараённи амалга ошириш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Микрокредитбанк» АТБ ўртасида ҳамкорлик меморандуми ва тегишли шартнома имзоланган. Айни пайтда юқорида номлари қайд этилган маҳаллаларда банк мутахасссилари томонидан махсус семинарлар ташкил этилиб, бизнес-режа тузиш юзасидан дастлабки кўникмалар берилди ҳамда тайёрланган истиқболли лойиҳаларга имтиёзли микрокредитлар ажратилиши таъминланмоқда.

**Алижон ҚОСИМОВ**

Хизматлар лицензияланган

# Ҳаёт оиладан бошланади

**➤ 2014 йил — Соғлом бола йили**

Ҳар бир инсон ҳаётида оила муҳим аҳамиятга эга. Чунки оила деб аталмиш муқаддас тушунчада инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ўз аксини топган. Шу боис оила қуриш ва уни мустаҳкам сақлаш ниҳоятда масъулиятли бурч саналади.



Оилада қиз болани авайлаб ўстириш ва яхши тарбия бериш биринчи галда онанинг вазифаси ҳисобланади. Чунки она оилада том маънодаги маънавий маслаҳатчидир. Шу боис ўғил ҳам, қиз бола ҳам дардини биринчи бўлиб онага айтади. Аксарият ҳолларда қизлар онанинг маслаҳати бўйича иш тутишади ҳам.

Оиланинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан қиз боланинг ёшликда олган тарбиясига боғлиқ экан. Чунки қиз бола бошқа оиланинг синовларидан ўтиб, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси, кейинчалик эса бекаси бўлишига тўғри келади. Шу боис, оналар қизларини оилага тайёрлаш учун сабр билан меҳнат қилишлари лозим.

Ҳозирги пайтда айрим оналарнинг қиз тарбиясига совуққонлик билан қараётгани ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай аёллар фарзандларини “У ўз уйида яйраб қолсин” деб, уларга уй-рўзғор юмушларини тўла-тўкис ўргатмайди. Шунингдек, ҳурмат-иззат, сабр-қаноат қилиш борасида ҳам насиҳат ва маслаҳат берилмайди. Бунинг ўрнига балоғат ёшига етган қизларга қимматбаҳо сеп йиғиш, уларни ясан-тусан қилиб кийинтиришга зўр беришмоқда. Натижада ўзга хонадонга келин бўлган қиз овқат пишириш, кир ювиш, бичиш-тикишни билмай мулзам бўлиб қолмоқда. Бу эса ҳар хил оилавий жанжалларга сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда эса иш ажрашишгача етмоқда.

Яна бир оғриқли муаммо шундан иборатки, ҳозирда баъзи ота-оналар қизларини балоғат ёшига етмаса ҳам турмушга бермоқдалар. Улар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимига ҳам мурожаат қилмай, Оила кодексига зид равишда қизларини турмушга узатиб юборишмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: нега ҳали балоғатга етмаган фарзандларимизнинг бахтига зомин бўламиз? Ахир ҳали балоғатга етмаган қиз бола оила деб аталмиш катта ғилдирак чархига дош бера олмай бахтсиз бўлиб қолмоқда-ку. Нега шуни вақтида ўйлаб кўрмаймиз?

Ўз вақтида ФҲДЁ бўлимига ариза бериб, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб, қонуний никоҳни қайд қилдириб, турмуш қуриш ҳар бир фуқаронинг қонуний мажбуриятидир. Унинг бузилиши натижасида бир қатор салбий оқибатлар келиб чиқадики, бу оқибатларни кейин бартараф қилишнинг иложи бўлмай қолади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, кейинги вақтларда барча эътибор ёшларимиз ҳаётига, соғлиғига қаратилмоқда, чунки келажагимиз ёшлар қўлида. Агар улар ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлсаларгина, юртимиз келажаги янада порлоқ, халқимиз ҳаёти тинч ва осуда, турмуши фаровон бўлишига шак-шубҳа бўлмайди. Ёшларимиз соғлиғи, наслимизнинг соғлиғи учун ҳаммамиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

**М.НОРМАТОВ,**
Самарқанд туман 2-сон ДНИ нотариуси

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — ***288-46-64*** (146); Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).
**Навбатчи муҳаррир** — Қаҳрамон Қўлдошев. **Навбатчи** — Ғуломжон Хидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1000. Адади — 5950
Босишга топшириш вақти — 23.10 Босишга топширилди — 00.30
1 2 3 5 6
*Баҳоси келишилган нархда*